

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**ЖЎРАБЕК ШОДИЕВ**

**БУХОРО АМИРЛИГИДА  
ДАВЛАТЧИЛИК МАСАЛАЛАРИ  
(1753-1920)**

**Тошкент – 2005**

ТДЮИ Илмий-услубий кенгашининг 2005 йил 30 июнь 10—сонли қарори билан ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия қилинган.

**Масъул муҳаррир:**

**Ҳ.Б.Бобоев**, юридик фанлари  
доктори, профессор.

**Такризчилар:**

**М.А.Ҳамидова**, юридик фанлари  
номзоди

**Л.Ф.Кашинская**, юридик фанлари  
номзоди, доцент.

Шодиев Ж.М. Бухоро амирлигида давлатчилик масалалари: Олий ўқув юрти талабалари учун ўқув қўлланма/ Масъул муҳаррир: Ҳ.Б.Бобоев. Т.: Тошкент Давлат юридик институти, 2005.-74 бет.

Сарлавҳада: ЎзР Адлия вазирлиги. Тошкент Давлат юридик институти.

Ушбу ўқув қўлланмада Бухоро амирлигидаги (1753-1920й) давлат бошқаруви, суд ва судлов масалалари, ташқи сиёсий дипломатия ва амирлиткнинг алоқалари, Бухоро амирлари томонидан амалга оширилган турли соҳадаги ҳуқуқий ислохотларнинг бугунги кундаги давлатчилик масалаларини янада чуқур ўрганишдаги тарихий аҳамияти ва ижтимоий-сиёсий тузумнинг асосий хусусиятлари ёритилган.

Қўлланма ҳуқуқшунослик ва тарих йўналиши бўйича олий ва махсус ўқув юртлари талабалари ҳамда тадқиқотчи мутахассислар учун мўлжалланган.

©Жўрабек Муҳаммадович Шодиев.

©Тошкент Давлат юридик институти, 2005 й.

## Сўз боши

Бухоро давлатчилиги тарихи жуда қадимий тарих ҳисобланади. Бу ҳақда кўплаб китоблар ёзиб қолдирилган. Улардан Муҳаммад Наршахий, В.В.Бартольд, Б.Ахмедов, И.Б.Зокиров, Ш.З.Уразаев, О.Эшанов, И.Ҳайдаров, Ж.Баракаев, Азамат Зиё, З.Муқимов, А.Мухамеджанов, Қ.Ражабов, Б.Солиев, У.Рашидов, Р.Ҳолиқова, Т.Н.Неъматов, Х.Вамбери, Н.Норкулов, А.Сагдуллаев, Х.С.Саматов, И.Низомиддинов, О.Д.Чехович, У.Ҳамроев, А.В.Вильданова, Х.Г.ғуломов, П.П.Иванов, Б.А.Казаков, Ғ.Қурбонов, Ф.Қосимов, А.М.Мирзоев, А.А.Семенов, О.А.Сухарева, М.Умаров ва бошқалар ўз илмий изланишларида Бухоро тарихининг турли қирраларини ўрганганлар.

Бухоро шаҳри марказида ташкил топган, аниқроғи, марказни Самарқанддан Бухорога кўчиши ва Амирликка асос солиниши тарихий китобларда турлича шарҳланган ва тавсифланган. Айниқса шўролар даврида Бухоро Амирлиги давлати ва қонунчилиги асосан қораланди. Аҳолиси “саводсиз”ликда, “ҳуқуқсизликда айбланди”

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи фани амалий машғулоти учун тайёрланган мазкур қўлланма нафақат ўқув фани балки ўзбек миллий давлатчилиги тарихи, унинг чуқур илдизлари, Бухоро амирлигида амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар, уларнинг бугунги миллий давлатчиликни шакллантиришдаги аҳамияти, миллий давлатчилик тарихидаги сиёсий ва ҳуқуқий омилларнинг роли илк бор ушбу қўлланмада инобатга олиб тайёрланган. Бу қўлланманинг аҳамияти шундан иборатки, у талабаларнинг фанни чуқур ўрганишга ҳамда назарий ва амалий ёндашишга ёрдам беради. Бундан ташқари қўлланмада ўша давр миллий ҳуқуқ манбаларини ва Бухоро амирлари томонидан амалга оширилган турли соҳадаги ҳуқуқий ислохотларни ўрганиш учун зарур бўладиган норматив-ҳуқуқий архив ҳужжатлари, давлатчилик тарихига оид бир қатор манбалар ушбу ишнинг мазмун моҳиятини янада очиқ беради.

Мазкур қўлланмада ҳар бир берилган давлатчиликка оид янгиликлар, масалалар ўқув қўлланманинг хорижий мамлакатлар адабиётлари, архив ҳужжатлари, миллий маданий бойлигимиз саналмиш турли шаклдаги қўлёзмалардан фойдаланилганлиги билан илмий ва маънавий бойлиги, янгилиги билан ажралиб турганлиги айтилган.

Бугун мустақиллик шароитида Бухоро амирлиги давлатининг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрнини мавжуд манбалар асосида ҳолисона ўрганиб чиқиш учун имконият яратилган. Ўйлаймизки, муаллиф ўз тадқиқотларида масаланинг анна шу томонларига эътиборни қаратади ва ўқувчиларни Бухоро Амирлиги ҳақидаги қизиқарли материаллар, фикрлар билан таништиради.

Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби

Юридик фанлари доктори, профессор

Ҳ.Б.Бобоев.

**Бухоро амирлиги ташкил топишининг тарихий омиллари.**

Бухоро ўзбек миллий давлатчилиги тарихида сиёсий ва маданий фаолиятида энг ривожланган шаҳарлардан, аниқроғи шаҳар давлатларидан бири бўлган.

Бухоро – Шарқнинг машҳур қадимги шаҳарларидан бири. Археологик маълумотлага кўра, Бухоро давлатчилигига милоддан аввалги 1-минг йиллик ўрталарида асос солинган. Унинг номи илк ўрта аср **Хитой манбаларида** турлича (Ан, Анси, Анго, Бухо, Буку, Бухэ, Бухуазр, Бухала, Бухоало, Фуху, Пухуала ва бошқалар) аталган. Бу атамалардан аввалги учтаси Бухоронинг хитойча номлари бўлиб, қолгани “Бухоро” сўзининг хитой тилидаги талаффузидир. Ўрта аср араб манбаларида эса Бухоро Нумижкат, Навмичкат, Бумичкат (Янги кўрғон), Ал-Мадина ас-суфрийя (Мис шаҳар), **Фоҳира** (Фаҳрли шаҳар) каби номлар билан тилга олинган. Бухоро атамаси санскритча “вихора” сўзининг турк-мўғулча шакли – **“бухор”** (ибодатхона) дан келиб чиққан деб тахмин қилинган. Кейинги тадқиқотларда бу атама сўғдийча **“буғ”** ёки **“бах”** (тангри) ҳамда **“оро”** (жамол) сўзларидан иборат бўлиб, “тангри жамоли” деган маънони англатади, деган фикрлар ҳозирги кунда илгари сурилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Бухоро ва унинг атрофида жойлашган ерлар қадимда ниҳоятда хушманзара – ҳайвонот ва ўсимлик дунёси бетакрор, кўл ва оқар сувларга бой бўлиб, тарихчи Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асаридаги ноёб ва қимматбаҳо маълумотлар буни тасдиқ этади.

Бухоронинг исломга қадар бўлган сиёсий ва ҳукуқий тарихи хусусидаги маълумотлар милоднинг 7 – 8 асрлар билан чегараланади. Бухоро 6 – 8 асрлар бошида Бухорхудотлар ҳокимлиги пойтахти эди. 709 йили уни Араб халифалиги фатҳ этган, 9 – 10 асрларда эса у Сомонийлар пойтахти бўлган. 999 йили Қорахонийлар, 1220 йили эса Мўғуллар босиб олган. 1370 йилдан бошлаб Амир Темур ва Темурийлар давлати, 16 аср бошидан Шайбонийлар (1533 йил бу давлат пойтахти Самарқанддан Бухорога кўчирилиши туфайли Бухоро хонлиги деб атала бошланган) ва 1533 йилдан

1601 йилгача, 1601 йилдан 1753 йилгача Аштархонийлар сулоласи давлатни бошқарган, 1753 йилдан то 1920 йилгача эса туркий ўзбеклардан бўлган Манғитлар сулоласи Бухоро амирлигига асос солиб, ушбу давлатни ўзига хос давлат бошқаруви, суд ва судлов, ҳарбий тузум, ташқи дипломатия асосларига таяниб бошқарган. Сўнг улкан Бухоро амирлиги 1920 йил 28 август – 2 сентябрда шўролар томонидан амалга оширилган Бухоро босқини натижасида босиб олинган. 1920 йил 8 сентябрдан Бухоро – Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)нинг пойтахти бўлган. 1925 йилдан ЎзССР ва 1991 йил 1 сентябрдан мустақил Ўзбекистон Республикаси таркибида.<sup>1</sup>

Бухорони археологик жиҳатдан фаол ўрганиш ишлари 70 – 80 йилларга тўғри келади. Ўзбекистон ФА археология институтининг махсус археология отряди (А.Р.Мухаммаджонов, И.Ахроров, Ж.Мирзааҳмедов, Ш.Одилов) ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва асраш институти отряди (Е.Г.Некрасова бошчилигида) томонидан олиб борилган тадқиқотла натижасида ҳозирги Бухоро вилояти ҳудудида милоддан аввалги 4-3 минг йилликлардаёқ овчилик ва балиқчилик билан шуғулланган, тошдан турли қурол ва буюмлар яшаш маҳоратлари юксак даражага етган неолит даврига мансуб қабилалар яшагани аниқланди. Милоддан аввалги 2-минг йилликнинг 2-ярмида Зарафшон дарёси ўзанига яқин ерларга айниқса унинг қадимги тармоқлари (**Вобкентдарё, Моҳондарё, Гўжайли** ва б.) ҳавзаларига чорвадор деҳқон қабилалар келиб жойлашиб, улар ботқоқ ерларда деҳқончилик қилиш билан бирга яйловларда чорвачилик билан ҳам машхур бўлганлар. Археологлар Қорақўл туманидаги Замонбобо деган жойдан мазкур қабилалар манзилгоҳлардан бирининг қолдиқларини топиб ўргандилар. Шу боис бу маданият фанда Замонбобо маданияти деб аталди. Милоддан аввалги 1-минг йилликда Бухоро воҳасида аста-секин сунъий суғориш тармоқлари ва мустаҳкамланган қишлоқлар вужудга кела бошлайди. Зарафшон дарёсининг қадимги тармоғи – **Шохруд** бўйларидаги дастлабки қишлоқларнинг,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2 том. Тошкент, “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” 282 бет.

жумладан ҳозирги Бухоро ўрнида бўлган қишлоқнинг парбо бўлиши айнан шу даврга тўғри келади. 1970 йилларда Бухоронинг эски шаҳар қисмида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида Бухорони археологик жиҳатдан ўрганиш тарихида биринчи марта материк қатламга қадар етиб боришга ва маданий қатламланиш чуқурлиги 20 метрдан ортиқ эканлигини аниқлашга муваффақ бўлинди.

Мир Араб мадрасаси яқинидаги археологик қазилма чоғида материк қатлам устида тўқ жигарранг торф қатлами (40-70 см) борлиги, унинг ичида эса ёввойи ва ҳонаки ҳайвонлар суяклари қолдиқлари ҳамда сопол идиш ва буюмлар парчалари кўп эканлиги маълум бўлди. Торф қатлами мадраса томон тобора қалинлаша бориб, бино остига келганда қалинлиги 7,5 метрга етган. Бу эса қадимда Бухоро ҳудудидан Зарафшон дарёси тармоқларидан бири – илк ўрта аср манбаларида қайд этилган **“Руди Зар”** (**“Олтин Ирмоқ”**) нинг ўтганлигини исботлайди. Археологик тадқиқотлар кейинчалик куриб қолган мазкур тармоқнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб бир қанча мустаҳкамланган қишлоқларнинг вужудга келгани ва улар Бухоронинг энг қадимги шаҳар ўзагини ташкил қилганини тасдиқлайди. Шаҳар ўзаги 3 қисм – **“Олтин ирмоқ”**нинг ўнг қирғоғида жойлашган арк, яъни қалъа ҳамда унинг ўнг ва сўл қирғоқларидаги қишлоқлардан иборат бўлган. Бу ердан топилган кўплаб ашёвий далиллар, хусусан, сопол идиш ва буюмлар Бухоро тарихининг турли давлари (милоддан аввалги 1-минг йилликнинг 3 чорагидан 20 аср бошларига қадар)га оид бўлиб, улардан иккитаси милоддан аввалги 5 асрга тааллуқли эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, Бухоро Аркида олиб борилган қазилмалар вақтида Яна кўплаб янги ва нодир ашёвий далиллар топилдики, улар шаҳарнинг қадимги тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шаҳарнинг ёшини аниқлаш мақсадида бутун Бухоро воҳаси бўйлаб, чунончи, йирик археологик ёдгорликлар – Пойкенд, Қўрғони Вардонзе, Ромитан, Варахша, Хожа Бўстон, Қўзимонтёпа, Оқсочтепа, ва бошқа шаҳар харобаларида кенг археологик қазилмалар олиб борилди. Конимех туманида

милоддан аввалги 6-5 асрларга доир ёдгорликлар (Чордара шаҳар харобаси, Қумрабод – 1, Қумрабод – 2, Арабон – 1, Арабон – 2 номли мустаҳкамланган қишлоқлар, милоддан аввалги VI асрга оид Шодибек ва Қалқонота кўрғонлари топиб ўрганилди (1975-77). Улардан юқори даражада ривожланган ҳунармандчилик ва меъморчиликка доир кўплаб ашёвий далиллар топилди. Ўша даврга тааллуқли қишлоқлар қолдиқлари Жондор туманидаги Хожа-хотин, Лайлакхўр, Боштепа, Оқтепа ва бошқа жойлардан ҳам топилди.

Археологик тадқиқотлар жараёнида Бухоро давлатчилиги хусусидаги ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар билан археологик топилмалар қиёсланиб, қуйидагича хулосага келинди. Зарафшон дарёсининг қуйи оқимидаги дастлабки манзилгоҳлар **жез даври** (мил.ав. 2 – минг йилликнинг 2 - ярми)даёқ вужудга келиб улар синчали ярим ертўлалардан иборат бўлган (қуриб қолган Моҳандарё тармоғи минтақасида олиб борилган тадқиқотлар уни тасдиқлайди); милоддан аввалги 6-5 асрларда Зарафшон дарёсининг йирик тармоғлари дельталари жойлашган ерларда мустаҳкамланмаган манзилгоҳлар пайдо бўлган. Милоддан аввалги 4 асрда эса Бухоро арки қурилажак ҳудуд баланд мудофаа девори ва кенг ҳандақ билан ўраб олиниб, унинг этагида учта мустаҳкамланган манзилгоҳ жойлашган (бу хил манзилгоҳлар милоддан аввалги 1 минг йиллик бошидан Ўрта Осиёнинг деҳқончилик қилинадиган вилоятларига хосдир). Мазкур манзилгоҳлардан бири **Фиробдиз**, иккинчиси **Навмичкат**, учинчиси **Бухоро** деб аталган. Кейинчалик бу уч манзилгоҳ ўзаро бирлашиб ва тўхтовсиз тараққий этиб бориб каттагина шаҳарга – Бухоро воҳасининг савдо-ҳунармандчилик ва маъмурий марказига айланган.

Бухоронинг Буюк Ипак Йўли чорраҳасида жойлашганлиги илк даврлардан бошлаб ҳунармандчилик тармоқлари (кулолчилик, темирчилик, мисгарлик, зардўзлик, заргарлик, шишасозлик, кандакорлик, бадий каштачилик, ва ҳ.к.) ва савдо-сотиқ ишларининг ривожланишига туртки бўлди.

Россия истилоси даврида бир неча майда қайта ишлаш корхоналари вужудга келди. 20 аср бошида Бухорода 12 та маҳалла, 360дан ортиқ гузар, 250дан зиёд мадраса, 390та масжид, қарийб 150та карвонсарой, 350та ҳовуз бўлган. Бухоро мадрасаларида 10 мингдан ортиқ талаба ўқиган. Бухорода 1920 йиллардан бошлаб саноат корхоналарининг сони ва салмоғи ортиб борди.

Ўзбек миллий давлатчилиги тизимидаги хонликлардан бири – **Бухоро хонлиги** бўлиб, 1533 йилгача мамлакатнинг маркази – Самарқанд бўлган. Убайдуллахон даврида пойтахт Бухорога кўчирилган ва хонлик Бухоро хонлиги номини олган. 1510 йил Марв ёнида Шайбонийхон шоҳ Исмоил I Сафавий қўшинларидан енгилиб ҳалок бўлганидан кейин Мовароуннаҳр Темурийлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур қўлига ўтади. Лекин кўп ўтмай Шайбонийлар яна Мовароуннаҳрни эгаллаганлар. Шу вақтдан бошлаб Мовароуннаҳр бутунлай Шайбонийларга тобе бўлган. Ўша вақтда хонликка ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг катта қисми, Балх ва Бадахшон кирган. Убайдуллахон вафотидан кейин Бухоро хонлиги майда бўлақларга бўлиниб кетган. Бухорода Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон, Самарқандда эса Кўчкунчихоннинг ўғли Абдулатифхон мустақиллик эълон қилган. Балх ва Бадахшонда шайбонийлардан Пирмуҳаммадхон мустақил ҳукмролик қилган. Шу йилларда шайбоний султонлари ва маҳаллий мулкдорларнинг ҳокимият учун кураши кучайган. Тошкент ва Туркистонда Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон), Кармана ва Миёнқолда Искандархон, Балхда Пирмуҳаммадхон ва бошқа кичик – кичик ҳукмдорлар мустақил бўлиб олганлар. 1551 – 56 йилларда Шайбонийлар ўртасидаги Мовароуннаҳр учун курашда Искандархоннинг ўғли Абдуллахон ғолиб чиқиб, Бухоро хонлигида ўз ҳокимиятини ўрнатган. 1557 йилдан бошлаб Бухоро узил–кесил хонликнинг пойтахтига айланган. Искандархон (1563-83) ва унинг ўғли Абдуллахон II даврида Бухоро хонлигининг сиёсий мавқеи ортган. Абдуллахон II Балх (1573), Самарқанд (1578), Тошкент (1582), Фарғона (1583), Бадахшон (1584), Кўлоб (1585), Хуросон (1588), Хоразм (1595-96)

устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатган; марказий давлат бошқарув девонини мустаҳкамлаган. Шу тариқа 16 аср охирига келиб Бухоро хонлиги марказлашган улкан давлатга айланган. Шарқда Қашқар билан чегарадош бўлган, ғарбий чеккаси Орол ва Каспий денгизи соҳилларигача бориб туташган. Хонликнинг шимолдаги чегаралари Туркистон ва Сайрамгача етиб, жанубда Хуросоннинг шарқий қисмини ўз ичига олган.

Шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида айниқса Абдуллахон II замонида Бухоро хонлигида деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо – сотик ривожланган, маданий ҳаёт анча юксалиб борган. Жуда кўп суғориш иншоотлари Адуллахон банди, Туятортар канали, Оқчопсой тўғони ва сув омбори, Вахшдан чиқарилган кўплаб ариқларнинг қурилиши деҳқончиликни ривожлантирди. Бу вақтларда Бухоро хонлигида буғдойнинг 10 хил тури, сули, кўноқ, жўхори, мош, нўхат, маккажўхори, ловия, пахта, кунжут, беда, арпа, сабзавот ва полиз экинлари экилган, боғдорчилик, чорвачилик ва ипакчилик ривожланган. Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Хўжанд, Андижон, Тошкент, Жиззах, Ўратепа, Шаҳрисабз каби бошқа йирик шаҳарларда ҳунармандчилик тараққий қилган. Самарқанд қози калонининг хужжатларидан маълум бўлишича, 16 асрда Самарқандда ҳунарнинг 61 тури мавжуд бўлган. Мовароуннарлик косиблар зўр санъат билан турли-туман металл буюмлар, ип ва ипак матолар, аъло нали қоғозлар ишлаб чиқарганлар. Бухоро шаҳри бир мунча кенгайтирилган, девор ва ҳарбий истехкомлар қайтадан қурилган. Шаҳарда мадраса, карвонсарой, ҳонақолар ва янги расталар барпо қилинган. Шаҳарлар ўртасидаги савдо йўлларида тим (Абдуллахон тими), кўчалар чоррахаси устига гумбазтоқлар, ҳаммомлар, карвон йўлларида сардобалар, карвонсаройлар, кўприклар қурилган. Шайбонийлар замонида Бухоро хонлигининг Ҳиндистон, Туркия, Россия билан савдо ва дипломатик муносабатлари ривожланган

Ўзбек миллий давлатчилиги тарихи манбаларидан маълум бўлишича, 1572–78 йиллари Ҳиндистонда Бухоро хонлигининг элчилари, Бухорода эса Ҳиндистон подшоҳи Акбарнинг элчилари бўлган. Абдуллахон даврида

бошланган ички сиёсий низолар натижасида 1598 йилда Абдуллахоннинг ўзи ва шу йилда унинг ўғли Абдулмўмин ўлдирилган. Тахтга Пирмуҳаммадхон II чиққан. Аммо унинг хумронлиги ҳам узоққа бормай, 1601 йилда тахтдан ағдарилган. Шу билан қарийб 100 йил ҳукм сурган шайбонийлар сулоласи барҳам топиб, Мовароуннаҳрда Жўжихон наслидан бўлган Аштархонийлар (Жонийлар) сулоласининг ҳукмронлиги бошланган.

Аштархонийлар даврида хонликда сиёсий низо ва бебошликлар деярли тўхтамаган. Дастлаб асли аштархонлик, Бухорода қўним топган шахзода Жонибекнинг ўғли Боқимуҳаммад (1601-05), сўнгра унинг укаси Вали Муҳаммад (1605-11) тахтга ўтказилган. Имомқулихон даврида (1611-42) қозоқ бийлари ва бошқа кўчманчиларнинг Бухоро хонлиги ерларига талончилик юришлари кучайган. Чунончи, Имомқулихон 1612 йил Тошкентни эгаллаб, ўғли Искандарни ҳоким этиб тайинлайди, аммо шаҳарда кўзғолон кўтарилиб Искандар ўлдирилади. Имомқулихон Тошкент аҳолисини шафқатсиз қирғин қилиб, шаҳарни яна хонлик таркибига қўшиб олади. Унинг даврида хонлик анча мустаҳкамланади. Имомқулихон кўр бўлиб қолгач тахтни эгаллаган унинг укаси Надр Муҳаммадхон шафқатсизлиги ва золимлиги билан норозилик чиқаради. Натижада муҳолиф кучлар тазйиқи билан тахтдан воз кечади. Ҳокимият эса унинг ўғли Абдулазиз II (1645-81) қўлига ўтади. У марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳаракат қилади, лекин тобора кучайиб бораётган тарқоқликни бартараф қила олмайди. Бу вақтда Эрон шоҳи Аббос I Балхни эгаллайди, кейинроқ эса музокаралар орқали Балх яна Эрондан қайтариб олинади. Абдулазиз II билан унинг укаси Субҳонқулихон ўртасида ҳокимият учун кураш бошланади.

Аштархонийлар ҳукмронлиги йилларида Хива хони Абулғозий Баҳодирхон ва ундан кейин ўғли Анушахон Бухоро ва Самарқанд атрофида тез-тез ҳужум қилиб туради. Тахтни эгаллаб олган Субҳонқулихон (1681-1702) ўз рақибларига қарши шафқатсиз курашлар олиб боради. У Балх ва Хуросонга ҳарбий юришларини амалга оширади. Унинг ўғли Убайдуллахон

(1702-11) ҳукмронлиги даврида Балх, Термиз, Шаҳрисабз ҳокимлари мустақил бўлиб олишга ҳаракат қилганлар. Хон уларга қарши ҳарбий юришлар қилишга мажбур бўлган. Самарқанд ва Ҳисорда бош кўтарган қабилаларга қарши қўшин юборган. Ўзаро бетўхтов урушлар, ҳарбий юришлардан кейин хазина бўшаб, иқтисодий аҳвол мушкуллашган. 1708-09 йилларда ўтказилган пул ислоҳоти натижасида пул қиймати тўрт марта тушиб кетган. Ислохотдан зарар кўрган аҳоли ғалаён кўтарган, бироқ кўзғолон шайқатсизларча бостирилган. Хонликда сиёсий ва иқтисодий аҳволнинг ёмонлашиши ички зиддиятларни кучайтириб юборди. Айрим нуфузли амирлар уюштирган фитна натижасида Убайдуллахон 1711 йилда ўлдирилади. Тахтга марҳум хоннинг укаси Абулфайзхон (1711-47) номигагина хон қилиб ўтказилади. Ҳокимиятдаги муҳим лавозимлар нуфузли амирлар қўлига ўтиб қолади. Марказий ҳокимият заифлашгач, 1711 йилда Балх, 1723 йилда Самарқанд вилояти Бухоро хонлигидан ажралиб чиқади. 1720 йилларда Тошкент вилоятини қалмоқлар босиб олади. Шу аснода Хива хони Шерғозихон ҳам Бухоро хонлигини бошқаришга даъвогар бўлади, аммо унинг ҳаракатлар самарасиз яқунланади. 1723 йилда қалмоқлар қозоқ даштларига бостириб кириб қозоқларни Мовароуннаҳрга қочишга мажбу қилган. Қозоқлар чорва моллари билан Зарафшон воҳасига кириб боғ ва экинзорларни пайхон қилганлар. Бухоро хонлигида иқтисодий ва сиёсий танглик кучая бориб хонлик таназулга юз тутган. Мовароуннаҳр парчаланиб, учта хонликка (Бухоро, Қўқон ва Хива) бўлиниб кетган. Бундан фойдаланган Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ 1740 йил баҳорида Балхни эгаллади ва ўша йили кузда катта қўшин билан Амударёдан ўтиб Бухоро хонлигини буйсундирди. У манғит қабиласидан бўлган Муҳаммад Ҳаким оталиқни ишончли вакили сифатида тахтга ўтқазади. Абулфайзхоннинг нуфузи пасайиб кетади.

Ўзаро низолар ва ташқи душманлар ҳужуми туфайли тобора заифлашиб бораётган, марказий давлат ҳокимият бошқаруви қарахт ҳолга келиб қолган аштархонийлар даврида катта сиёсий нуфузга эга

бўлган ўзбекларнинг манғит уруғи бийлари аста-секин давлат бошқарувида муҳим ўринни эгаллай бошладилар. Нодиршоҳнинг истилочилик юришлари бу сиёсий ўзгаришларни бирмунча тезлаштирди. Абулфайзхоннинг ўлими (1747)дан сўнг тахтга то 1756 йилгача унинг авлодлари ўтказилган бўлса-да, амалда ҳокимият манғитлар сулоласи вакили Муҳаммад Раҳим қўлида эди. У ўз ҳукмронлигининг дастлабки давридаёқ марказий давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга киришди. Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг яхшиланишидан манфаатдор бўлган кучлар: йирик ер эгалари, савдогарлар, уламою фузалолар унинг бу интилишларини қўллаб-қувватладилар. Ишни аввало сарой амалдорларини ўзгартиришдан, марказий бошқарувни тартибга олишдан бошлаган Муҳаммад Раҳим аста-секин вилоятлар ҳокимлигига ҳам ўзига содиқ одамларни қўйишга киришди. Бунинг учун у сепаратистик кайфият жуда кучли бўлган Шаҳрисабзга 1750-52 йилларда 4 марта юриш қилиб, бу ердаги муҳим муҳофаа қўرғонлари (Китоб, Сангфуруш, Говмиш, Қушчи)ни эгаллади ва воҳада тўлиқ ўз ҳокимиятини ўрнатди. ғузур ҳам Бухоро ҳокимиятини тан олди. Бу ҳукмдор шунингдек, Миёнқол, Нурота, Ургут, Кабодиён, Бойсун каби марказий ҳокимиятни тан олмаётган вилоятларга бири неча бор ҳарбий юришлар қилиб, уларни бўйсундиришга эришди.

Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида манғитлар ҳукмронлиги ўзига хос улкан давр ҳисобланади. Ушбу даврда бўлиб ўтган турли хил ислохотлар, сиёсий воқеалар ўша даврда яшаб ижод этиб ўтган тарихнависларнинг асарларида мавжуд бўлиб, бугунги кунга келиб эса улар давлатчилик масалаларини тадқиқ этишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Ушбу давр манбаларининг ўзига хослик жиҳати шундаки, айнан бир даврга хос бўлган терминларни, ҳуқуқий атамаларни фақатгина битта тарихнависнинг қўлёзма манбаларида учратиш мумкин. Масалан, давлат мансабларини, диний ва ҳарбий унвонларни Мирза Бади Девоннинг **“Мажму ал-арқом”** асарида учратиш мумкин.

**1756 йил** декабрь ойида туркий ўзбеклардан бўлган манғит уруғига мансуб бўлган **Муҳаммад Раҳимни** расман тахтга ўтказиш маросими бўлиб ўтди. У тахтга ўтиргач бир қанча сиёсий-маъмурий ислохотлар ўтказди. Янги ҳукмдорга ёрдам берган қабилалар вакиллари саройдаги олий ва юқори мансабларга ўтказилди. Исёнкор Шаҳрисабзликлар кучини сусайтириш учун илгари Шаҳрисабз вилоятига тегишли Яккабоғ тумани алоҳида **беклик(вилоят)** деб эълон қилиниб, Имомқули парвоначи Яккабоғ ҳокими этиб тайинланади. Расмий равишда ҳам тахтни эгаллаган Муҳаммад Раҳим Шарқий Бухорога: Ҳисор, Денов, Душанбе, Термиз, Бойсунга қарши янги ҳарбий юришларни амалга оширди ва бу ерларни ҳам ўзига буйсундирди. Муҳаммад Раҳим вақтида (1753-58) Бухоро амирлигига қарашли ерлар анча қисқарган. Унинг таркибига Бухоро, Самарқанд, Миёнқол, Кармана, Қарши, ғузор, Карки, Чоржўй, Шаҳрисабз вилоятлари кириб, Тошкент ва Фарғона вилоятлари хонлик тасарруфидан чиқиб кетган. Муҳаммад Раҳим тахтга чиқиш учун охириги Аштархонийлардан бўлган Абулфайзхонни ўлдиришни буюрди. Бундай сиёсий буйруқ бир неча кундан кейин Эрон шоҳи Нодиршоҳ бир тўда қизилбошлар томонидан ўлдирилганидан сўнг амалга оширилди, бунинг асосий сабаби эса Нодиршоҳ Муҳаммад Раҳим тахтни эгаллаши учун қаршилиқ кўрсатувчи асосий куч эди. Муҳаммад Раҳимнинг давлат тепасига келиши анча Эрон қўшинлари билан бўлиб ўтган сиёсий низолар, жанглар сабабли осон кечмади. Чунки бу пайтда Бухоро давлатини бошқаришни, унинг янги ҳукмдорини эронликлар Абулфайзхоннинг вояга етмаган ўғли Абдулмўминни сиёсий сахнага олиб чиқиш тарафдори эди. Муҳаммад Раҳим давлатни бошқаришни бошлагандан сўнг ўзининг исмини ҳар куни беш вақт намозларда қўшиб айттирди ҳамда пул тангаларида “Муҳаммад Раҳим Баҳодир Хон” деб ёздира бошлади.

**Дониёлбий оталиқ** вақтида (1758-85) ҳам ўзаро урушлар давом этиб, Кармана, Ўратепа, Нурота, Шеробод, Бойсун ва бошқа жойларда маҳаллий кучлар бош кўтариб, пойтахт измидан чиқишга ҳаракат қилганлар. Дониёлбий манғит ҳукмронлиги даврида (1759-1784) “Бухорода давлат ва

дин ишларида бузуклик кўпайди”(Аҳмад Дониш). Бу марказий ҳокимиятга қарши чиқишларда кўринади. Айниқса, турли ўзбек қабилалар ва уруғлар ўртасида низолар сиёсий бирликнинг йўқлиги, марказий бошқарувнинг давлатчиликдаги аҳамияти тушуниб етилмаганлигини манғитлар давридаги ўзаро урушлар тасдиқлаб турибди.

Мамлакатда ғалаёнларнинг деярли тўхтовсиз равишда кўтарилиб туриши марказий ҳокимиятнинг обрўсини, қудратини тушуриб юборди. Иқтисодий вазият ҳам ночор аҳволга келиб қолди. 1784 йилда Бухорода бошланган қўзғолон тахтга янги ҳукмдорни олиб келди. Қўзғолон бостирилган бўлса-да, тахтдан возкечиш пайти келганлигини англаган Дониёлбий вазият тақозосига кўра, 1785 йилда ҳокимиятни ўғли Шохмуродга топширади.

Дониёлбийнинг катта ўғли Шохмурод ҳукмронлиги даври (1785-1800)да Дониёлбий жорий этган солиқлардан бир қанчаси бекор қилинди, иқтисодий ҳаёт бирмунча яхшиланди. **Амир Шохмурод** Бухоро амирлиги давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эга бўлган ҳукмдорлардан саналади. У туркий ўзбеклардан бўлган манғитлар сулоласи ҳукмдорлари ичида биринчи бўлиб, **“амир”** унвони билан давлатни бошқарди. Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида **“Амири Маъсум” (“Бегуноҳ амир”)** номи билан қолган Шохмуроднинг ҳукмронлик йиллари (1785-1800) Бухорода марказий ҳокимиятнинг нисбатан мустаҳкамланиш даври бўлди. Марказий давлат бошқарувини тиклаш учун Шохмурод ҳам ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида мамлакатдаги сепаратистик кучларга қарши қаттиқ кураш олиб боришга мажбур бўлди. У нафақат сиёсий вазиятни яхшилашга эришди, балки бир қатор маъмурий, иқтисодий, маданий тадбирларни амалга оширди. Бу даврга келиб руҳонийларнинг мавқеи анча ошди. Манғитлар сулоласи марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга қанчалик уринмасин, вилоят ҳокимларининг мустақилликка интилиши давом этаверди. Айниқса Бухорога мухолиф бўлган Шаҳрисабз ва Китоб вилоятлари билан курашлар шиддатли бўлди. Фақат 1853 йилдагина бу бекликларни Бухорога бўйсундиришга

муваффақ бўлинди. Амир Шохмурод томонидан ўтказилган **молия, суд, ер, маъмурий ва ҳарбий** соҳадаги ислоҳотлар натижасида мамлакатда сиёсий-иқтисодий юксалиш кўзга ташланади. Солиқларнинг тартибга солиниши, суд ишларидаги ноҳақликларга чек қўйилиши, маҳаллий амалдорлар фаолияти устидан назорат ўрнатилиши савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликнинг, қишлоқ хўжалигининг юксалишига шароит яратди. Амир Шохмурод ўғли Амир Ҳайдарни манғитларнинг ота мерос мулки ҳисобланган ва амирликда катта нуфузга эга бўлиб бораётган Қарши шаҳрига ҳоким қилиб тайинлади. Шундан сўнг Бухоро тахти ворисларининг Қаршида ҳокимлик қилиши одат тусини олди. Амир Шохмуроднинг вафотидан сўнг тахтга ўтирган **Амир Ҳайдар** отаси бошлаган сиёсатини изчиллик билан давом эттира олмади. Унинг амирлик даврида Бухорода (1800-1826) сиёсий вазият кескинлигича сақланиб қолайверди. У Бухорога буйсунишдан бош торган Шаҳрисабз, Ургут бекликларига, Миёнқолга қарши жанглар олиб боришга мажбур бўлди. Ҳарбий куч самара бермаган пайтларда эса бундай вазиятларда томонлар билан келишувчанлик йўлини тутди. Амир Ҳайдар даври (1800-26) ҳам ички ва ташқи урушлардан ҳоли бўлмади. Айниқса Ўратепа бир неча марта қўлдан-қўлга ўтиб турди. 19 аср биринчи чорагида Бухоро билан Хива ва Қўқон хонликлари ўртасида Ўрта Осиёда устунликка эришиш учун қирғин-барот ва талон-тарож урушлари бўлди. Тошкент, Туркистон, Чимкент ва уларнинг атрофи Қўқон хонлиги тасарруфига ўтди. 1825 йилда Хива хонлиги Бухорога қаршли Марвни эгаллади. Тўхтовсиз урушлар, солиқлар миқдорининг ошиши кўзғолонларга, жумладан 1821-25 йилларда Бухоро ва Самарқанд оралиғларида истиқомат қилувчи хитой-қипчоқ қабилалари кўзғолонига сабаб бўлди. Амир Ҳайдарнинг вориси **Амир Насруллохон** (1827-60) амирлик ерларини кенгайтиришга муваффақ бўлди. У ўз акалари (Ҳусайн, Умар)ни ўлдириб, Бухоро тахтини эгаллади. Амир Насрулло ўзбек миллий давлатчилиқ тарихида энг шафқатсиз ва қонхўр ҳукмдор сифатида тарихда қолди. Шу билан бирга у давлат ҳокимиятини бирмунча мустаҳкамлаган, ҳарбий соҳада анча самарали ислоҳотлар ўтказиб, ўз

қўшинининг жанговар ҳолатини оширган, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини бирмунча тиклаган ҳукмдор эди. Ўз душманларида қўрқувни кучайтириш, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Бухорода ҳар куни кўплаб кишиларни қатл эттириб турганлиги учун уни “**Қассоб амир**” деб ҳам аташарди. Марказий ҳокимиятни тан олмайдиган бўйсунмас маҳаллий ҳукмдорларга қарши у қаттиқ кураш олиб борди. У тахтга даъвогар бўлиши мумкин бўлган барча шахсларни қириб ташлади. Насруллахон 1839, 1841 ва 1858 йилларда Қўқон хонлигига бостириб келиб, аҳолини қирғин қилди ва бойликларни талади. 1842 ва 1843 йилларда Бухоро билан Хива хонлиги ўртасида ҳарбий тўқнашувлар бўлди.

Амир Ҳайдар ҳамда Амир Насрулло ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё Россия ва Англиянинг сиёсий иқтисодий манфаатлари тўқнаш келган ўлкага айланиб қолди. Бу даврда Ҳиндистонни эгаллаган ва Афғонистонда катта таъсирга эга бўлган Англия Ўрта Осиёнинг қудратли давлати – Бухоро амирлигига ўз вакиллари юбора бошлайди. XIX асрнинг 30-40 йилларида амирликда бир қанча инглиз разведкаси ходимлари: **Муркрофт(1824)**, **А.Борнс(1831)**, **Майор Вольф(1843)** ҳамда Насруллохон томонидан қатл этилган **(1838)полковник Стодарт ва майор Коннолилар** бўлишиб, бу ерда Россияга қарши Бухоро-Хива иттифоқини ташкил қилишга уриниб кўрдилар. Лекин бу уриниш самарасиз якунланади. Амир Насрулло даврида чор Россияси қўшинларининг Ўрта Осиё чегараларига яқинлашиши давом эттирилди. Россия ҳукумати ҳам Бухорога ўз таъсирини ўтказишга фаол интилди. Истилочилик юришларига қадар Бухорога 4та йирик рус элчилик миссиясининг ташрифи фикримизнинг далилидир. Бухоро амирлигида бўлган рус дипломатларига рус махфий хизмати томонидан махсус топшириқлар берилган бўлиб, улар мамлакатдаги сиёсий иқтисодий вазият, шаҳарлар ва мудофаа кўрғонлари, қўшин тузилиши, қурол-яроғлар, алоқа йўллари оид керакли маълумотларни йиғишлари шарт бўлган. Бу маълумотлардан кейинчалик Россия империясининг Ўрта Осиёга босқинчилик юришларида кенг фойдаланиб келинган.

Подшо Россияси Ўрта Осиёни мол сотиш бозори, хом ашё манбаи деб билар эди. 1866 йил рус қўшинлари Бухоро амирлиги чегараларига бостириб кирди ва Хўжанд (24 май), Ўратепа (2 октябр), Жиззах (18 октябр) шаҳарларини ишғол қилди. Истило этилган ерларни бошқариш учун 1867 йил Туркистон генерал – губернаторлиги ташкил этилди. 1868 йил 2 май куни генерал Кауфман бошчилигидаги рус қўшинлари Самарқандни ишғол қилди. Июнь ойида Бухоро амири Музаффар қўшинларига Зирабулоқ яқинида сўнгги қатъий зарба берилди. Амир генерал – губернаторга мурожаат қилиб, сулҳ тузишни сўради. 1868 йилнинг 23 июнида икки ўртада шартнома имзоланди. Рус қўшинлари босиб олган ерлар подшо Россияси ихтиёрига ўтди; Бухоро амири мустақил ташки сиёсат юргизиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди; амир рус подшосига 500 минг сўм товон тўлади. 1873 йил 28 сентябрда мазкур шартномага қўшимчалар киритилиб, амирликнинг Россияга қарамлиги янада кучайди. Натижада амирлик ерларининг учдан бир қисми подшо Россияси ихтиёрига ўтди; Хўжанд, Ўратепа, Панжикент. Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларидан тортиб Зирабулоққақача бўлган ерлар, Шарқий Бухорода эса Шуғнон, Воҳон, Рўшон вилоятлари, айниқса Зарафшон дарёси юқори ҳавзасининг қўлдан кетиши амирликдаги халқларни асосий ҳаёт манбаи – сувдан маҳрум этди, бу ҳол Бухоро амирлигини Россияга иқтисодий жиҳатдан қарамлигини янада оширди.

Амир ва унинг амалдорларига қарши халқ ҳаракатлари подшо Россияси қўшинлари ёрдамида бостирилар эди. Амир Абдулаҳад рус подшосининг генерал-адъютанти ҳисобланган. Унинг даврида рус маъмурлари амирликда катта имтиёзларга эга бўлган. Амирлик ерларидан ўтган темир йўл бўйларига рус аҳолиси келтирилиб жойлаштирилди. Бухоро-Афғонистон чегарасининг муҳофазаси билан ҳам рус қўшинлари шуғулланган. Бухоро амирлигининг подшо Россиясига тобелиги Амир Олимхон замонида (1910-20) янада ортди. Амирликда еттита рус **хусусий банкининг шўъбаси** иш олиб борарди. 1-жаҳон уруши бошланиши билан амирлик аҳолисининг аҳволи янада оғирлашди. Худди шу даврга келиб жаҳидчилик ҳаракати асосида ёш

бухороликлар партияси фаолияти кучайди. 1917 йил Февраль инқилоби муносабати билан бу партия амирликни подшо Россияси буйиитуруғидан кутқазиш, баъзи ислохотлар ўтқазиш ишига киришди. Ёш бухороликлар рус большевиклари билан ҳамкорликда 1918 йил мартада амир ҳукуматини ағдаришга уриндилар. Аммо бу ҳаракат муваффақиятсизликка учради. 1920йил 2 сентябрда Бухоро босқини натижасида амирлик тугатилди.

Мамлакат иқтисодий ҳаётида деҳқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо асосий ўринни эгаллаган. Ички низолар бўлиб туришига карамай иқтисодиётнинг бу соҳалари ривожланишда давом этди. Деҳқончилик суғориш билан бевосита боғлиқ бўлган. Суғориш тармоқлари Зарафшон ва Амударёдан чиқарилган. Амирлик даврида Зарафшон дарёсида Пули Кармана, Пули Меҳтар Қосим ва Пули Чаҳорминор каби сув тақсимлагичлари қурилган. Зарафшондан Жиззахга Туятортар ариғи чиқарилган. Суғориш тармоқлари амир Шохмурод ва амир Ҳайдар даврларида ҳам анча кўпайди, кўчманчиларнинг ўтроқлашуви кучайди.

Хонликда **ер** эгалигининг **асосан 3 тури** – **амлок** (амир бошчилигидаги мулкдорлар гуруҳи ихтиёридаги ерлар), **мулк** (хусусий ер эгаларига қарашли) ва **вақф** (мусулмон руҳонийлари, мадраса, масжид, мазорларга қарашли) ерлари мавжуд бўлган. Хонликда деҳқонлар ерни асосан ижарага олиб ишлар эди. Солиқ тури ва бошқа тловларнинг кўплигидан, бегор мажбуриятидан безор бўлган меҳнаткаш халқ тез-тез ҳалаён қилиб турар эди. Деҳқончиликда асосан ғалла, пахта экилган. Ипакчилик кўпроқ Зарафшон водийсида ривожланган. Ҳунармандчиликнинг кўп турлари равнақ топган. Хусусан, тўқимачилик, тикувчилик, мисгарлик, заргарлик буюмлари хонликдан ташқарида ҳам харидоргир бўлган. Шаҳар ва йирик қишлоқлар аҳолисининг талай қисмини ҳунармандалар ташкил этар эди. Тўқимачилик маҳсулотлари Яқин Шарқ (масалан, Зандана қишлоғида тўқилган занданийчи матоси бутун шарқда машҳур бўлган) мамлакатларига чиқарилган. Ҳаётни тебратувчи бу икки йўналиш ички ва ташқи савдо тақдирини ҳам белгилаган. Деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари

ички ва ташқи бозор талабларини қондириб турган. Хонликлар ўртасида савдо узлуксиз давом этган. Айниқса, Бухоро шаҳри Ўрта Осиёнинг энг йирик савдо маркази сифатида машҳур бўлиб, кўплаб карвонсаройларга ва савдо расталарига эга бўлган.

### **Бухоро амирлиги ташкил топишининг сиёсий – ҳуқуқий асослари ва манғит ҳукмронларининг ҳуқуқий ислохотлари.**

Манғитлар ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлигида кўплаб атоқли давлат арбоблари, тарихнавислар, сиёсатдонлар, шоирлар, фикҳ илми уламолари, элчилар, адабиётшунос олим ва уламолар ижод этди. Ўша даврда ҳукмрон табақалар халқни жаҳолатда сақлашга ҳаракат қилар, бадий ижодда мадҳиябозлик ва таркидунёчилик мавзуи ҳукмрон эди. 18 аср 2-ярми ва 20 аср бошларида **“Тухфаи хоний”** (Муҳаммад Вафо Карминагий), **“Тож ут-таворих”** (Муҳаммад Шариф), **“Фатхномаи Султоний”** (Муҳаммад Миролим Бухорий), **“Манғит хонлари тарихи”** (Мирзо Абдулазим Сомий), **“Наводир ул-вақое”**, **“Таржимаи ахволи амирони Бухоро”** (Аҳмад Дониш), **“Мажмӯъ ал-арқом”** (Мирза Бади Девон), **“Тарихи Салимий”** (Мирза Салимбек), **“Тарихи амири Ҳайдар”** (Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шариф), **“Гулшан ул-мулук”** (“Подшоҳлар гулшани”) Муҳаммад Ёқуб, **“Тухфат аз-зоирин”**, **“Кунуз ал-атқиё”**, **“Осор ас-салотин”** (Саййид Муҳаммад Носир Бухорий), **“Тарихи салотини Манғития, Ўзбекия ва Аштархония”** (Мир Ҳусайн Ибн Амир Ҳайдар) каби назарий-тарихий, сиёсий-ҳуқуқий ва бадий асарлар яратилди. Ўз навбатида Бухоро амирлигида Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев каби Бухоронинг илму-фан, жадиदчилик, маърифат ва халқпарварлик каби ғояларининг асосий уламолари шу даврда ижод этди. **“Тўтинома”**, **“Чор дарвеш”**, **“Юсуф ва Зулайҳо”**, **“Тоҳир ва Зухра”**, **“Бўз ўғлон”**, **“Юсуф ва Аҳмад”**, **“Гўрўғли”** туркумидаги дostonлар халқ орасида кенг тарқалди. Халқ санъат турлари – кизикчилик, фонус хаёл, дорбозлик, театр ва бошқалар тараққий этди, мусиқа

оммавий санъатга айланди, тасвирий санъат ривожланди (Абдулхолик Маҳдум ва б.). Манғитлар ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлигида кўплаб йирик иншоотлар – **Шайх Жалол дарвозаси ва ҳонақоҳи**, (18 аср 2 ярми), **Домулло Турсунжон мадрасаси** (1796-97), **Халифа Худойдод ансамбли** (1777-1855), **Чорминор** (1807), **Амир мадрасаси** (20аср бошлари), **Ситораи Моҳи Хоса** (19-20 аср бошлари) ва бошқа бино ва иншоотлар барпо этилди.

Бухоро амирлигида яшаб ижод этган маърифатпарварлик ҳаракатининг илк намоёндаларидан бири **Аҳмад Дониш** эди (1827-1897). Аҳмад Дониш мадарасада олган билимлари билан бир қаторда дунёвий билимлар, яъни математика, астрономия, мусиқа, архитектура, тарих ва фалсафа фанлари билан шуғулланар эди. Аҳмад Дониш юқори малакали каллиграф, архитектор ҳам эди. Мана шунинг учун ҳам у Бухоро амири саройига масъул давлат масалаларини ҳал этиш учун хизматга қабул қилинган эди. Аҳмад Дониш Бухоро амири делегациясининг таркибида уч марта Петербургда бўлиб, Европа маданияти, илм-фан соҳасидаги ютуқлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

**Аҳмад Донишнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари** унинг “Наводир ул-вақое”, “Рисолаи мухтасар аз тарихи салтанати хонадони манғития” (“Манғитлар хонадони ҳукмдорлари тарихидан қисқача рисола”), “Манозир ал-кавоиб”, “Рисолаи аъмоли кура”, “Таодили ҳамсаи мутақаййиро” каби асарларида акс этган. Ушбу асарларда Аҳмад Дониш аввало давлатдаги феодал тузумни танқид остига олади, унинг фикрича акс ҳолда, феодал тузумни тубдан ўзгартириш – бу ижтимоий тараққиёт сари қилинган энг ззгу ҳаракат саналади. Аҳмад Дониш мамлакатдаги иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиб бораётган қолоқликни давлат бошқарувидаги ҳокимият учун ўзаро курашлар, адолатсиз раҳбарлар томонидан давлат соҳаларининг кўп қисми бошқарилаётгани, давлатни идора этувчи шахсларнинг халқ манфаатини кўзлаб эмас, балки шахсий манфаатларини кўзлаб амалга ошираётган адолатсизлик ҳаракатларидадир деб таъкидлаб

ўтади.<sup>2</sup> Унинг фикрича мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий қолоқликни фақатгина амирлик давлат тузумини ислоҳ қилиш орқали амалга ошириш мумкин.

**Аҳмад Дониш** давлатда амалга оширилиши зарур бўлган ислохотлар лойиҳасини ишлаб чиқади ва уни Бухоро амирига тавсия этади. Дониш лойиҳасига асосан давлат бир гуруҳ кишилар эҳтиёжларини қондириш сари эмас, балки умумхалқ эҳтиёжларини қондириш учун, халқ манфаатларига хизмат қилиш учун, мамлакатда тўкин-сочинликни таъминлаш учун, энг аввало мамлакатни обод этиш, аҳолига барча имкониятларни яратиб бериш учун хизмат қилмоғи даркор бўлади. Унинг фикрича адолатни таъминлашнинг ягона йўли – бу давлат раҳбарининг маърифатпарвар, билимдон, одил, фуқаролар йўлида хизмат қиладиган, ҳар қандай масалани ҳал қилишда ўзини оддий фуқаро ўрнида кўра оладиган ҳукмдорнинг давлат тепасида туришидир деб эътироф этади. Унинг фикрича, давлатни тепасида турган киши учун зарур хислатлар барча амалдор шахсларга ҳам хос бўлиши шартдир. Шундагина мамлакатда тартиб ва адолат ҳукм суради ва жамият фаровон бўлади. Агар адолат нуқтаи назаридан ўйлаб қаралса, дейди Дониш, ҳар ким ўз ери билан қаноатланиши керак. Кучлилар тортиб олган ерларини ўз эгаларига қайтариб беришлари лозимдир. Агар кимда-ким қайтариб беришни истамаса одамлар иттифоққа бирлашиб ночорларга тегишли бойликларни кучлилардан тортиб олишлари керак. Ўшанда одамлар ўртасида келишмовчиликлар, ҳукмдорлар ўртасида уруш ва ўзаро адоватлар тўхтайдди. Натижада халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик ришталари ўрнатилиб, янада мустаҳкамланади.

Аҳмад Дониш 1857 йили амир Насруллоҳон, 1869 ва 1874 йиллари амир Музаффар (1860-1885й) элчилиги таркибида Петербургда бўлди ва Россиянинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти билан яқиндан танишди. Бу сафарлар олимнинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатди. Лекин у Бухоронинг Россияга нисбатан ривожланишда ортда қолганлигининг

---

<sup>2</sup> С.Б.Бобоев. “Сиёсий суеуеий таълимотлар тарихи” Т, 2003 й. 154 бет.

ҳақиқий сабабларини охиригача тушуниб етмади. У жамиятни мавжуд қонун ва давлат тартибини такомиллаштириш йўли билан, одил подшоҳнинг қўли билан қайтадан қуриш мумкин, деб ҳисобларди.<sup>3</sup> Олимнинг бу қарашлари унинг **“Наводир ул-вақое” (“Нодир воқеалар”)** асарида ўз аксини топган (1875 – 1882 йиллар орасида ёзилган). Аҳмад Дониш мазкур асарида амирга давлат давлатни бошқариш ишларини қайтадан қуришни маслаҳат берди. Аҳмад Дониш сиёсий қарашларининг муҳим жиҳати – адолатга асосланган давлат бошқарувини амалга ошириш ғоясидир.

**Аҳмад Донишнинг фикрича**, давлат бошлиғи ҳузурида маслаҳат кенгаши тузилиши лозим. Амирга берилган ваколатларга, яъни кенгаш аъзоларини, бошқа мансабдор шахсларни, элчиларни тайинлаш ва мансабидан бўшатиш, қонунларнинг ижросини текшириш, кенгаш қарорларни тасдиқлаш, бошқа давлатнинг элчиларини қабул қилиш ҳуқуқлари амирдан бевосита олиб берилиши даркор деб эътироф этади. Аҳмад Донишнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига кўра, салтанат ишларини ташкил этишда **Низомнома**, яъни давлатнинг бош қомуси бўлиши таъкидланган, ҳамда барчанинг қонунларга риоя қилиши қатъий қилиб белгиланиши лозим. Шундагина халқ ўз ҳукмдорларига ва қонунларига тўлалигича амал қилишлари мумкин.<sup>4</sup>

Бухоро амирлигининг сўнгги умрларида ўзининг жўшқин ижоди билан, ижтимоий ва ҳуқуқий қарашлари билан Шарқда машҳур бўлган жадиदчилик намоёндаларидан бири **Абдурауф Фитрат** эди. Унинг ҳуқуқий қарашлари асосан **“Мунозара”** ва **“Ҳинд сайёҳи баёноти”** асарларида кенг ва эркин равишда ифодаланган. **“Мунозара”** бухоролик икки кишининг – бири **“қадим”-чи**, иккинчиси эса жадиद бўлган, тўғрироғи жадидчиликка мойил, европача тарбия кўрган кишининг суҳбати тарзида ёзилган. Улар ўртасида жадид мактаблари ва Бухородаги бир қатор ижтимоий масалалар бўйича

---

<sup>3</sup> Б.Асмедов. “Ўзбекистоннинг атосли тарихшунос олимлари” Т., 2003. “Чўлпон” 29 бет.

<sup>4</sup> Р.Шарипов, Ф.Муситдинова “Ўзбекистон салелари сиёсий-суеусий таълимотлар тарихи” Т., 2004. 228 бет.

бўлиб ўтганбахс мунозаралар асарнинг ғоявий мазмунини белгилайди.<sup>5</sup> Ушбу асарда икки қаҳрамон ифода этилилади. Фаранги ва Мударрис образи бўлиб, Фитрат Фаранги образи орқали Бухоро амирлигидаги ижтимоий ва маданий вазиятга бўлган муносабатини баён этиб, ўзининг сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга молик бўлган фикрларини ифодалайди.

**Абдурауф Фитрат** жаид сифатида, биринчи навбатда, инсоннинг дунёга келиб, илм олиш ҳуқуқига эгаллиги ва шу ҳуқуқдан фойдаланиши лозим эканлигини таъкидлайди. Унинг бу ҳуқуқи Пайғамбар ҳикматлари ва Қуръон сураларига уйғун бўлишига қарамай, жамиятдаги фикри қотиб қолган кимсаларнинг қаршилигига учраб, оёқости қилиниши унда кучли эътироз уйғотади. Агар инсоннинг илм олиш ё олмаслик ҳуқуқи фақат унинг ўзига, тақдирига таъсир этганида, бу у қадар катта фожиа бўлмаслиги мумкин. Лекин, модомики, жамият кишилар йиғиндиси ва бирлигидан иборат, Бухоро амирлигидаги халқ оммаси эса илм ва маърифатдан узоқда яшаётган экан, бу нарсанинг амирликдаги ижтимоий-сиёсий тузум ва маданий шароитга таъсир этмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам дин олимларининг, амирликдаги реакцион гуруҳнинг ғайриилмий ҳаракати оқибатида амирлик ижтимоий тузум сифатида чириди, халқ оммаси эса жаҳолат ботқоғига ботди.<sup>6</sup>

Ватанимиздаги жаидчилик турли мамлакатлардаги тараққиёт, ислохотлар учун олиб борилган ҳаракатларнинг фалсафий тажрибасини танлаб олиб, бу тажрибани миллий асосда қайта ишлаб чиқишга интилни. Айни пайтда ижтимоий тараққиёт йўллари ҳақидаги турли қарашларнинг тўқнашув майдони бўлди ва мустамлакачиликка қарши курашнинг бош ғояси ана шу мураккаб йўлда шаклланиб етилди. Унинг асосий оқимларидан бири Бухоро жаидчилиги эди. Бухоро жаидчилиги ўз хусусиятлари ва ривожланиш шаклларига эга бўлиб, Бухоро амирлигидаги иқтисодий, сиёсий ва жамиятнинг ахлоқий аҳволи билан боғлиқ эди. Ўзига хос тарзда ажралиб

<sup>5</sup> Р.Шарипов, Ф.Муситдинова “Ўзбекистон салелари сиёсий-суеусий таълимотлар тарихи” Т., 2004. 157 бет.

<sup>6</sup> Р.Шарипов, Ф.Муситдинова “Ўзбекистон салелари сиёсий-суеусий таълимотлар тарихи” Т., 2004. 159 бет.

турадиган ва мураккаб шахс Файзулла Хўжаев ва унинг маслакдошлари Бухоро жадиदчилигида марказий ўрин тутардилар.

**Файзулла Хўжаев** “Бухоро инқилоби тарихига доир” номли асарида жадидчиликнинг ички ривожини, унинг бошқа мамлакатлардаги тараққиёт учун олиб борилган ҳаракатлар билан алоқасини кўрсатиб, тараққиёт босқичларини аниқлаб беради. Файзулла Хўжаев Бухорода жадидчиликнинг юзага келишига амирликнинг иқтисодий негизи, жамият тараққиётига тўсиқ бўлиб турган ғайри “табиий ва даҳшатли тартибсизликлар” сабаб бўлган деган фикрни билдиради. Айни афсуски муаллиф Бухоро қадимий савдо йўллари туташган ерда жойлашганини, аҳолисининг юксак араб-форс маданияти билан ошнолигини яхши тушуниб етган. Ана шундай салбий ва ижобий вазиятлар уйғунлашиб кетган шароитда Бухоро амирлиги жадидчиликнинг ватани бўлди. Ҳар қанча ажабланарли бўлмасин, Ф.Хўжаев фикрича, айнан шу сабаблар билан “Ўрта Осиёни банклар, деҳқонлардан хом-ашё сотиб олувчи савдо контралари билан қоплаб олган ва Туркистонга ўз мануфактураси ва бошқа фабрикаларни келтираётган рус капитализми “тобора кучайиб жамиятнинг илғор қисмини ўйлантириб, жадидчиликка сабаб бўлди. Бухородаги мавжуд бошқарув тизими ва иқтисоддаги ўзгаришлар юз бериши жамиятнинг тадбиркор савдогар қисмини оғир аҳволга солиб қўйди. Шу туфайли “жадидчилик савдогарлар синфининг илғор қисми манфаатини ифода этган”.<sup>7</sup>

Жадидчилик ҳаракатида орқага йўл йўқ эди: маърифатчилик ва тор доирадаги маданийлаштиришдан иш бошлаб, у сиёсий ҳаракатга айланди, ўз олдига жамиятни ва уни бошқаришни қайта қуришдек вазифаларни қўйди. 1910 йилдан кейин жадидчилик ташкилий тус олгач, “жадидларнинг энг илғор қисми орзусида, унинг программ максимумида асосий ўрин тутган ғоя Бухорода ғарб намунасида **капитализм ва демократияни** ривожлантириш эди. Ф.Хўжаевнинг ўзи ҳам бу ғояларга ҳайрихоҳ эди. 1926 йилда чоп

---

<sup>7</sup> Д.А.Алимова. “Файзулла Хўжаев ва Бухоро жадидчилиги” Ўзб.Рес. “Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка” Халқаро Симпозиум тезислари. Т., “Ўзбекистон” 1997й. 59 бет.

этилган асарида келтирган фикрларида унинг демократия ва капитализмни биргаликда тасаввур этишига ўша йиллар вазияти ва большевикча тушунчалар ҳалал бера олмаган.

Туркий ўзбеклардан бўлган манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлигида яшаб ижод этиб ўтган тарихнавис, сиёсатдон олимлардан бири **Муҳаммад Вафо Карминагий** бўлиб, у “Қози Вафо” номи билан машҳур бўлиб, қозилик лавозимига янги сулола – Манғитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳимхон замонида эришган. Муҳаммад Вафо Карминагий томонидан “Тухфат ул-хоний” (“Хоннинг тухфаси”) номли муфассал асар ёздириб қолдирган. **“Тухфат ул-хоний”** саж билан ёзилган, лекин воқеаларнинг тўла ва кенг ёритилиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, географик ҳамда этник фактларга бойлиги билан биринчи даражали маналар қаторида туриб, асар мамлакатда қуқтисодий, сиёсий тангликни, яъни федал тарқоқликнинг кучайиши, бунинг натижасида марказий давлат апаратининг заифлашуви, манғит ҳукмдорларининг улуслар ва қабилаларни буйсундириш мақсадида олиб борган тинимсиз урушлари, бунинг оқибатида кўплаб шаҳарлар ҳамда қишлоқларнинг қҳвайрон этилиши, меҳнаткаш ҳалқ турмушининг оғирлашиб бориши ҳамда унинг асосий сабабларини аниқлашга ёрдам беришири мумкин бўлган маълумотлар ҳақида ёзиб ўтган.

**“Тухфат ул-хоний”**да бундан ташқари, ўзбек қабилалари ва уларнинг ижтимоий – сиёсий ҳаётда тутган ўрни; аштархонийлар, манғитлар ҳукмронлиги даврида ўзбек қўшини ва давлатининг тузилиши; 1722-1782 йилларда Бухоро билан Эрон, Афғонистон, Қозоқ, ва Қўқон хонликлари ҳамда Қошғар билан бўлган сиёсий муносабатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтган.

**Муҳаммад Вафо Карминагий фикрича**, мамлакатдаги сиёсий тангликни, федал тарқоқликнинг кучайишини ва мамлакатни иқтисодий салоҳиятини ошириш мақсадида мамлакатда аввало тинчликни ўрнатмоқ зарур, солиқлар ва бошқа тўловларнинг барча аҳоли қатлами учун бир хилда эълон қилиш ҳамда қўшни давлатлар билан сиёсий, савдо ва дипломатик

алоқаларни кучайтириш лозимдир. Унинг фикрича, Бухоро амирлигида юзага келиб турадиган доимий майда ҳалқ низоларининг олдини олиш бу – амирликда яшовчи турли миллат вакиллари, яъни яҳудийлар, эронийлар, тожиклар, қозоқлар, туркманлар, қорақалпоқлар ва бошқаларга ҳам маҳаллий аҳолига берилган барча имкониятлар яратиб берилиши керак. Ўзга миллат вакилларига ҳам барча эркинликлар амалда бўлиши лозим деб ҳисоблайди.

Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этиб ўтган сиёсатдон олим, давлат арбоби **Мирза Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим** бўлиб, у Бухоройи шарифда бадавлат ва нуфузли оилада дунёга келган. 1871 йил Нарпай ва Зиёвуддин ҳокими, келгусида девонбеги бўлиб хизмат қилган, Останакулбек маҳкамасига хизматга кирган. Лекин орадан ярим йил ўтар-ўтмас амир Музаффар уни чойфуруш қиёфасида Тошкентга жўнатган. Унга рус маъмуриятининг ҳатти-ҳаракатларини кузатиш ва бу ҳақда Бухорога ахборот бериб туриш вазифаси юклатилган эди. 1882 йил Тошкентдан чақиртириб олинган ва маълум вақт амирнинг шахсий хизматида турган, сўнг Тошкентга вакил қилиб жўнатилган ва генерал-губернатор Н.О.Розенбах (1884-1889) ҳузурида Бухоро амирлигининг расмий вакили бўлиб турган. 1885 йил Мирза Салимбек амир тарафидан мирохур мансабига тайинланади ва Хутфар ҳамда Сомжен туманлари бўйича закотчи (солиқ ундирувчи) лавозимида хизмат қилади. Абдулаҳадхон даврида Бухоро элчилиги билан Санкт-Петербургга борди. 1888-89 йили Мирза Салимбек Бухоройи Шарифнинг миршаби этиб тайинланади ва бу лавозимда беш йил хизмат қилади. Мирза Салимбекнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг асарларида давлатни мустаҳкам идора этишнинг энг асосий йўли бу – **Бухоро амирлиги билан қўшни давлатлар ўртасида ўзаро сиёсий, маданий, савдо-сотиқ алоқалари кўпайтириш ҳамда ўзаро дипломатик муносабатларни янада тиклаш зарур деб билади.** Ушбу масалада амир давлатдаги хизматчилардан маслаҳат олмоғи даркор деб ҳисоблайди.

**Абдурашид Иброҳим** – бухоролик савдогарлар – бухорийларнинг машҳур авлоди бўлган. У журналист, атоқли сиёсий раҳбар, Оренбург диний кенгашининг қозиси, ислом ҳимоячиси эди. Абдурашид Макка, Мадина, Истанбул, ва Марказий Осиёда таълим олганидан сўнг Россия ҳудудидаги турк мусулмонларининг мустақиллика эришишлари учун Россия чор режимига қарши позитив кураш олиб борган. Айни вақтда журналист сифатида у турк жамоасининг ўз маданий мустақиллигини сақлаб қолишга интилишини бостириш учун Россия ўтказаяётган зулмга қарши маданий кураш бошлади. У Тарада “**усули жадид**” (Янги усул) мактабини очди. “**Лив аул-ҳамд**” рисоласини нашр этиб, турк мусулмонларини Туркияга кўчиб ўтишга чақирди. “**Чўлпон юлдуз**” варақасида у Россия ҳудудидаги мусулмонларга, жумладан, туркларга ўтказилаётган мустабид зулмни ошкор қилди. “Чўлпон юлдуз” Россиядаги мусулмон турклар томонидан ёзилган биринчи сиёсий ҳужжат деб эътироф этилди. У ўзининг аъло даражадаги ижодий курашига қарамай, Россиядаги турк мусулмонлари масаласини ҳалқаро саҳнага олиб чиқиш ва туркларни Россияда ўз тақдирини ўзи белгилаш руҳиятини кўтариш учун катта куч-ғайрат сарфлади.

**Садриддин Айний** таниқли ёзувчи ва жамоат арбобидир. Бухоро яқинида туғилиб ўсган Айний XX асрнинг бошларида маданият ва маърифат ўчоғи бўлган бу шаҳарнинг ижтимоий-маънавий муҳитига камол топди. У Шарқ энг аввало, бухоролик илғор зиёлиларнинг фикрларини банд этган теран ғояларни кунт билан ўрганди ва уларнинг таъсирида ўзининг адабий, тарихий-публицистик асарларини яратди. Садриддин Айний Бухоро амирлиги тарихига катта эътибор билан ёндошадики, унинг асарлари манбашуносларимиз, ўзбек миллий давлатчилиқ тарихи тадқиқотчилари учун ғоят қимматли аҳамиятга эга. У тарихий мавзуларда қатор илмий тадқиқотлар яратган. Шу билан бирга, унинг халқнинг урф-одати, хулқ-атвори, ижтимоий муносабатлар тўқнашуви, кишиларнинг адолат учун курашганликларини ҳаққоний ёритиб берган бадиий асарлари Бухоро амирлиги давлатчилиги масалалари билан бевосита боғлиқдир.

Айнийнинг Бухоро амирлиги давлатчилиги ҳамда сиёсий масалалари тарихига оид йирик асарлари сирасига **“Манғит амирлари тарихи”** ва **“Бухоро инқилоби тарихига доир материаллар”** номли китобларини киритиш мумкин. “Манғит амирлари тарихи” бир ярим асрдан ортиқ Бухорода ҳукмронлик қилган манғитлар сулоласи тарихига бағишланган. Айнийнинг “Манғит амирлари тарихи”га икки йўналишда юндашмоқ лозим. Бир томондан, Музаффархон амирлик қилган даврга бағишланган бобларнинг ўзини алоҳимда оладиган бўлсак, Айний бу асарни Аҳмад Донишнинг “Манғит сулоласи тарихи”, сарой котиби Мирза Олим Солий Бўстоний солномалари ва бошқа манбаларига асосланиб ёзгани учун бунга тарихий асар деб қарашимиз лозим. Абдул Аҳад ва Олимхон каби амирларга бағишланган бобларни Айний юз берган воқеаларни холисона, ўз шахсий кузатуви асосида ёзгани учун ҳам бизга тарихий манба сифатида жуда аҳамиятлидир. Айнийнинг Бухоро давлатчилиги тарихига бағишланган яна бир йирик асари “Бухоро инқилоби тарихига оид материаллар”дир. Бу асарни ҳам тарихий-ҳуқуқий манба сифатида ўрганиш лозим бўлади. Асар ўша пайтда юз берган воқеаларнинг ичида туриб, унга бевосита алоқаси бўлган кишининг шахсий кечинмаларидир. Шунинг учун ҳам, бу асар халқни маърифатли қилиш ва янги усулдаги мактаблар тарафдори бўлган жаидлар, қолаверса, ёш бухороликларнинг ролини яхши тушунишимизга яқиндан ёрдам беради. Бу асар Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев каби жаидчилик ҳаракати йўлбошчиларининг сиёсий қарашлари ҳақида бизга яққол тасаввур бера олади.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида ўтмишнинг тарихий тажрибаси, ўзбек халқининг қадимий давлатчилиқ анъаналари беқиёс аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Республикамиз мустақилликка эришгач, уч минг йилдан буён умумжаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлиб келаётган ўзбек давлатчилиги тарихини ҳар томонлама ва ҳаққоний ёритишни имконияти пайдо бўлди.

Зеро, юртбошимиз айтганларидек, “Миллий давлатчилигимизнинг шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини ўрганиш ва унинг ижобий тажрибаларини кенг жамоатчиликка етказиш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди”<sup>8</sup>

Туркий ўзбек уруғлардан бўлган манғитлар ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлигида турли хил давлат ислохотлари амалга оширилди. Бундай ислохотларга **ер-ҳуқуқий, молия, маъмурий, солиқ, суд ва харбий** ислохотларни келтириш мумкин. Ўша даврда солиқ-ҳуқуқий ислохотлари асосан туркий уруғлардан бўлган манғит ҳукмронларидан Амир Шохмурод, Амир Насрулло, Амир Музаффар ҳукмронлик қилган даврларда амалга оширилди. Хусусан, Амир Шохмурод солиқлардан эзилган халқнинг ҳаракати кучайган вақтда тахтга ўтирганлиги учун ҳам биринчи ислохотни солиқларни тартибга солишдан бошлади. Бутун Бухоро амирлиги аҳолисига **тархон ёрлиғи** бериб, ўзидан аввалги ҳукмдорлар жорий қилган, шариатга тўғри келмайдиган **ёрғу, бож, тарх, тушмол, ясоқ** каби солиқларни бекор қилди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, **Амир Шохмурод** томонидан амалга оширилган **солиқ ислохотлари** унинг солиқ солиш, уни ундиришни тартибга келтириш каби кўрсатмаларида акс этган. Ушбу манбалар ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлиб, илмий изланишга, уни нақадар ноёб ҳуқуқий манба деб эътироф этиш ҳамда илмий нуқтаи назардан асослаб беришга муҳтождир.

Ушбу ислохотлар ер солиқларини эркинлаштириш, яъни халқни айрим ер солиқларидан озод этиш, солиқларнинг расмий жиҳатдан тартибга солиниши, шариатга мутлақо тўғри келмайдиган солиқларнинг бекор қилиниши, солиқларни ундиришнинг тартибга солиниши каби шаклларда амалга оширилган. Бундай ислохотларнинг амалга оширилганлиги ҳақида ноёб ва ҳуқуқий манба деб тўла эътироф этиш мумкин бўлган ҳуқуқий ёдгорлик саналмиш – **“Мажму ал-арқом”** (“Рақамлар ва руқумлар ҳақидаги”) расмий қоидалар тўпламида, амир фармойишлари

---

<sup>8</sup> Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўе» Т. 1997. – 125 бет.

(муборакнома)да, фармонларида (хукмнома), хабарномаларда (ариза), “Қушбеги архиви ҳужжатларида”, маҳаллий асарлар саналмиш: “Тарихи салотини манғития”, “Гулшан ал-мулук”, “Тухфаи Шоҳий”, ундан ташқари солиққа оид ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатларида (реестр) ва бир қатор бошқа ҳуқуқий манбаларда ўз ифодасини топган.

Илмий изланишлар натижасида 1954 йилда Тошкент шаҳрида таржима қилинган «Документы к Истории аграрных отношений в Бухарском Ханстве» номли ноёб асарлардан Бухоро амирлигида ўша даврда амалга оширилган солиқ-ҳуқуқий ислохотларига, халқни айрим ер солиқларидан озод этиш, уларга ерлардан фойдаланганлик учун имтиёзли равишда айрим солиқларнинг олиб ташланишига оид бир қатор ҳуқуқий манбалар ўрганиб чиқилди.

Юқорида келтирилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг бугунги кунда нечоғлик илмий изланишга мойиллигини замоннинг ўзи эмас, балки истиқлол куёшининг порлаб турган бир пайтида ўзбек давлатчилигини, унда амалга оширилган ислохотларни илмий ва назарий жиҳатдан исботлаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Илмий изланишлар натижасига кўра, Бухоро амирлигида инсонпарварлик, одиллик ғояларига таянган ҳолда солиқ-ҳуқуқий ислохотлари амалга оширилган. Ушбу ислохотлар орқали жамиятда барқарорликни, иқтисодий таназзулдан қочишга имкон таъминланганлигини кўришимиз мумкин. Олиб борилган илмий тадқиқотнинг асл мақсади — Бухоро амирлигида амалга оширилган ҳуқуқий ислохотларни тарихий ва аниқ фактларга асосланган ҳолда, ўзбек давлатчилиги тарихидаги ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиши ва шаклланишидаги ролини ўрганиб, уни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Зеро, биз юртбошимиз таъкидлаганларидек: “....иккинчи даражали одамлар, империя даврида”<sup>9</sup> ҳам мавжуд эмас эди. Буни эса фақат тарихий манбалар, фактлар асосида исботлай оламиз.

Тарихга назар ташласак, «Бухоро ҳуқуқсизлар мамлакати» деб эътироф этилганлигини гувоҳи бўламиз. Табиий савол туғилади! Нега собиқ шўро даврида давлатчиликни исбот этувчи манбалар ўрганилмади? Юқоридаги саволга: “Ўзбек халқи давлатчилик тарихига эга эмас, давлат ҳам, ҳуқуқ ҳам бўлмаган”, - деган асоссиз жавоб билан чекланиб қолинар эди.

Ўзбек давлатчилиги тарихини тадқиқ этиш, мустақил Ўзбекистон давлат қурилиши ва бошқарувини янада такомиллаштириш учун замин бўлиб хизмат қилади.

Миллий давлатчилигимизнинг шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини ўрганиш ва унинг ижобий тажрибаларини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича Президентимиз И.А.Каримов томонидан олдимизга юксак ва асосий масъулиятли вазифа этиб, “миллий давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир”<sup>10</sup> деб таъкидланган эди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик жамияти қуриш сари ўзининг куч қудратига, жаҳон цивилизациясига бетакрор ҳисса қўшган улкан маънавий, тарихий, маданий меросига ва манбаларга эга бўлган, ўз ўрнида ҳозирги кунда юксак ислохотлар амалга оширилиб турган бир пайтда унинг давлатчилик масалаларини чуқур таҳлил этиш долзарб вазифаларимиздан бирига айланиб қолмоқда.

Туркий манғитлардан бўлган Бухоро амири **Амир Шохмурод** ўзининг давлат бошқаруви жараёнида турли соҳада ислохотлар ўтказди. Масалан, ер, маъмурий, солиқ, суд ислоҳоти кабилар. Бу ислохотлар ичида, айниқса, **суд ислоҳоти** диққатга сазовордир. Унга кўра ҳар бир мусулмон, ҳатто қул ҳам

---

<sup>9</sup> Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб сисоблашар эди». Т., «Ўзбекистон» 2005 йил. 8 бет.

<sup>10</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўси. – Т. 1997. – 125 бет.

қозига ўз шикояти билан келишга ва ғайриқонуний иш қилаётган ўз хўжайинини жавобгарликка тортишга ҳақлидир.

Амир Шохмурод Бухоро амирлиги давлатчилиги тарихида ўз ўрнига алоҳида эга бўлган ҳукмдорлардан саналади. У туркий манғитлар сулоласи ҳукмдорлари ичида биринчи бўлиб суд – ҳуқуқий ислоҳотларини амалга оширди. Давлатчилик тарихида “Амири маъсум” (“Бегуноҳ амир”) номи билан қолган Амир Шохмуроднинг ҳукмронлик йиллари (1785 – 1800) Бухорода марказий ҳокимиятнинг нисбатан мустаҳкамланиши даври бўлди.

Амир Шохмурод томонидан ўтказилган суд – ҳуқуқий ислоҳотлари мамлакатда суд ишларидаги ноҳақликларга чек қўйилишига, судларда ишларнинг эркин олиб борилишига ҳамда қозилар томонидан одиллик, адолат ва инсонпарварлик руҳида суд жараёнларини амалга оширишга имкон яратиб берди. Асосий суд идораси қозилик маҳкамалари ҳисобланиб, қозикалон бутун мамлакатнинг бош қозиси (судьяси) эди. Фуқаролик ва жиноий ишларнинг барчасини қозилар кўриб чиққан. Суд ишларини юритиш тартиби оддий кўринишга эга эди.<sup>11</sup>

Қозига оғзаки ва ёзма равишда ариза билан мурожаат этиш мумкин эди. Келтирилган мурожаат, ариза ёки шикоятномаларга асосланган ҳолда қозининг ҳузурига айбдор ёки айбдорлар ишни бошлаш учун келтирилар эди. Қозилар томонидан олиб бориладиган суд жараёнида айбдорни айблаш ёки унинг айбини исботлаш учун шариат қонун – қоидаларига риоя қиладиган, ростгўй, ҳалол кишиларнинг гувоҳлиги етарли асосга эга эди. Гувоҳлар эса камида икки кишидан иборат бўлмоғи лозим эди.

Суд жараёнида қозилар айбдорларнинг моддий аҳволи, аввало айбнинг даражасига қараб, сўнгра айбдорнинг қилмиш учун чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, зарарни ихтиёрий равишда қоплаши, жабр кўрган шахсдан узр сўраши каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда жазо тайинлаган.

Амир Шохмурод томонидан ўтказилган суд – ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим жиҳати шундаки, бу даврга келиб қозининг

---

<sup>11</sup> А.Сагдуллаев ва б. “Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти” – Т, “Академия” 2000й. 202 бет.

хукмидан норози бўлган тараф қозикалонга ёки амирга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Қозикалонга ёки амир номига ёзилган шикоятнома ўрганиб чиқилиб, қозининг ҳукмини асосли равишда қозикалон бекор қилиши ҳамда қозикалон қарорини фақат амир бекор қилиши мумкин эди.

Амир Шоҳмурод томонидан ўтказилган суд – ҳуқуқий ислоҳотлари ўша вақтда нафақат Бухоро амирлигида, балки бошқа хонликларда ҳам суд ва судловни ижобийлаштириш учун улкан қадам эди. Ўз навбатида Амир Шоҳмурод суд идораларининг қайта тузилиши, ташкил топиши ва қуйи суд идоралари қозиларининг тайинланиши каби янгиликларни амалга оширган эди.

Ўша даврда суд идораларини ислоҳ қилиш мақсадида Амир Шоҳмуроднинг бевосита ташаббуси билан **қирқ аъламдан (қонуншунослардан)** иборат таркибда **олий суд (қозихона)** палатаси тузилди. Ушбу палатанинг аъзолари, яъни қонуншунослар шариат қонун – қоидалари асосида Амир Шоҳмурод томонидан тузилган қоидалар тўплами асосида қуйи суд идоралари қозиларининг ҳукмидан норози бўлиб ёзилган арз ва шикоятномаларни кўриб чиқар эдилар.

Амир Шоҳмурод томонидан ўтказилган суд - **ҳуқуқий ислоҳотларининг яна бир муҳим янгилиги**, бу олий суд палатасида қирқ аълам (қонуншунослар) иштирокида кўрилаётган арз ёки шикоятномада даъвогарнинг шахсан ўзи иштирок этишининг талаб қилиниши бўлди.

Шундай қилиб, Амир Шоҳмурод даврида Бухоро амирлигида янги суд тизими: **қасаба (каттароқ қишлоқ), туман, вилоят қозилари, Бош қози ва қирқ аълам суди вужудга келиб, энг олий қози амирнинг ўзи эди.**<sup>12</sup> Шариат ҳуқуқи асосида Шоҳмурод тузган қоидалар тўплами диққатга сазовордирки, уни излаб топиш ва илмий жамоатчиликка етказиш олимларимиз олдидаги вазифалардан бири бўлиб турибди. Чунки биз Ўзбекистонда ҳукм сурган сулолардан чиққан давлат бошлиқлари қўли билан тузилган қоидалар тўпламларини жуда кам учратамиз. Шу ўринда яна Амир

---

<sup>12</sup> З.Муеимов. Ўзбекистон давлати ва суеуеи тарихи. Т. “Ўеитувчи” 208 бет.

Шоҳмуроднинг суд ислохотлари, айниқса, катта аҳамиятга молик эканлигини айтиб ўтамиз.

Марказий Осиё тарихини ўрганган деярли барча тарихчи олимлар Амир Шоҳмуроднинг давлат бошқаруви соҳасидаги фаолиятига юқори баҳо берадилар. Ҳақиқатдан ҳам Амир Шоҳмурод томонидан амалга оширилган барча ислохотлар, бугунги кунга келиб тарихий фактлар ҳамда манбаларга асосланган ҳолда олиб борилаётган бир қатор илмий изланишлар натижасида ўзининг исботини топмоқда.

Бугунги кунга келиб эса юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган, деб орқаваротдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучларнинг асоссиз даъволарини пуч эканлигини исботлаш”<sup>13</sup> бугунги кунда яна бир бора айтиб ўтмоқчимизки, миллий давлатчилигимиз масаласини илмий нуқтаи назардан асослаб ва керак бўлса исботлаб бериш муҳим вазифа ҳисобланади.

Давлатчилик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, собиқ шўро даврида ҳам миллий давлатчилигимизни, адолатли ҳукмдорларни ҳамда улар томонидан амалга оширилган кўплаб эзгу ишларни ўша даврда ҳам ўрганиш мумкин эди. Аммо бундай масалалар иккинчи даражали деб ҳисобланар ва ўз ўрнида эътибордан четда қолиб кетаверар эди. Зеро, олим Аҳмад Дониш Амир Шоҳмуродни халифа Умар билан бир қаторга қўйиб “амирлик гиламини камбағаллик кийими билан беади, жаҳон боғидан душманлик ва ёмонлик томирини суғуриб ташлади ва адолат ниҳолларини ўтказди”<sup>14</sup>, деб ўша даврда ҳам юксак баҳолаган эди.

Ўзбек халқининг қадим давлатчилик тарихига, унинг барча босқичлари ва даврларига холис, ҳаққоний баҳо бериш, тарихий адолат нуқтаи назаридан ёритиш олдимизга турган долзар масалалардан бири

---

<sup>13</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўси. – Т. 1997. – 125 бет.

<sup>14</sup> А.Дониш. “История мангитской династии”, Душанбе, “Дониш”. 1967. 6 – бет.

ҳисобланади. Зеро, Президентимиз И.А.Каримовнинг «Тарихга мурожаат килар эканмиз, у халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди»<sup>15</sup> деган фикрлари давлатчилик масалалари билан бевосита шуғулланувчи олимлар олдида катта вазифаларни юклайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик жамияти қуриш сари ўзининг куч қудратига, жаҳон цивилизациясига бетакрор ҳисса қўшган улкан маънавий, тарихий, маданий меросига ва манбаларга эга бўлган, ўз ўрнида ҳозирги кунда юксак ислохотлар амалга оширилиб турган бир пайтда унинг давлатчилик масалаларини чуқур таҳлил этиш долзарб вазифаларимиздан бирига айланиб қолмоқда.

Кўпгина ҳолатларда Амир Шохмурод томонидан ислом ҳуқуқи ва нормаларини ислоҳ этиш, тадбиқ этиш ҳолатларини босқичма-босқич амалга оширилганлининг гувоҳи бўламиз. Унинг барча амаллари, тарғибот ишлари тўлиқлигича шариат нормаларига амал қилинган ҳолатда бажарилган. Масалан, барча ҳарбий юришлар ички ва ташқи душманлар сари амалга оширилгани билан ислом ҳуқуқи ва нормаларини тарғиб этиш ҳамда сақлаб қолиш учун курашилганлиги билан характерланади. Амир Шохмурод томонидан амалга оширилган бундай ҳарбий-сиёсий ислохотлар Муҳаммад Раҳим ва Муҳаммад Дониёлбийнинг давлат соҳасидаги ислохотлари билан ажралиб туради. Ундан ташқари туркий ўзбеклардан бўлган манғит ҳукмдорлари ичида биринчи бўлиб Амир Шохмурод чингиз-мўғул нормаларига, тартибларига қаттиқ бўйсунмаган, унинг учун курашган ва қарши чиққан ҳукмдорлиги билан ажралиб туради.

Амир Шохмурод давлатдаги барча **“тоза бўлмаган”** нормаларни жамиятнинг барча жабҳасидан олиб ташлашга эришди. Бу ерда Амир Шохмурод томонидан шариат ҳуқуқи нормаларига мутлақо зид бўлган, унинг талабларига жавоб бермайдиган нормалар ҳақида сўз юритилмоқда. Тарихнавислар **Мирий, Абдул Карим, Мирзо Содик Мунший** ҳамда

---

<sup>15</sup> И.А.Каримов. “Тарихий хотирасиз келажак йўе” Т., 109 бет.

**Муйин, Муҳаммад Ёқубларнинг** маълумот беришича бундай одатларга асосан Бухородаги ёпиқ равишда ўтказиладиган жойларда вино, пиво маҳсулотларининг тарқатилиши, ашулабозлик, кайфу-сафо, масхарабозлик ҳамда табака чекилиши каби ношарий одатлар кирган. Ундан ташқари тарихнавислар Абдул Карим ва Мирийларнинг таъкидлашича, Бухорода “кофиробод” дея ном олган квартал бўлиб, ушбу кварталда хатто фоҳишабозлик каби иллатлар мавжуд эди. Бундай жинойтларни олдини олиш, бартараф этиш ҳамда тез орада “тоза бўлмаган” нормаларга қарши курашиш мақсадида Амир Шохмурод шахсан **Қушбеги Давлат Бий** ҳамда **Қозиқалон Низомиддин Хўжаларга** аниқ вазифаларни белгилаб беради ва ушбу ҳолатлар учун уларни давлат бошлиғи – амир ҳамда халқ олдида ҳисобдор ва масъул қилиб қўяди.

Амир Шохмурод барча ташлаб қўйилган вақф мулкларни (“диний фондларни”) улардан тушадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан барча эски мадраса, масжидлар, ҳонақолар, мактаблар, мозорларни қайта тиклади ҳамда янги мадраса ва масжидлар қурилишида шахсан ўзи бош-қош бўлди. Мадраса мударрислари, муфтийлар, имомлар, қозилар ва бошқа диний мансабларга тайинлашда уларнинг шариат ҳуқуқий нормаларига амал қилиш даражасини, уларнинг ҳуқуқий билимларини ва ҳуқуқий саводхонлигига қараб лавозимга тайинлар эди. Ўз соҳасида кўп йил ишлаган, шариат ҳуқуқи нормаларини ўша давр талаби даражасида билмаган қозилар, имомлар, муфтийлар ҳамда мадраса мударрислари Амир Шохмуроднинг фармони билан ўз лавозимидан озод этилди. У шариат ҳуқуқи нормаларини чуқур ўзлаштирган мадраса талабаларига солиқлар ҳисобидан қўшимча талабалик ҳақлари бериш билан мадраса талабаларини қўллаб-қувватлар эди. У нафақат ўзининг ислом ҳуқуқи нормаларини кенг таълим жараёнида ислоҳ эттирди, балки бутун Бухоро амирлигининг барча вилоятларида ислом ҳуқуқи нормаларини билишликни амалда талаб этди ва унинг учун улкан имтиёзлар ва совғаларни ваъда қилди. Тарихнавис олим Хумулийнинг таъкидлашича, Амир Шохмурод “бутун шаҳарга ва Бухоро

амирлигининг барча вилоятларига буюк олимларнинг ва ҳақиқий ислом ҳуқуқи нормаларига асосланган одатларнинг (**мухтасиб**) барча аҳолини масжид ва мадрасаларга йиғиб, уларга ислом ҳуқуқи нормаларини, мажбуриятларни тушунтиришни, уларнинг шаръий ҳуқуқий билимлари даражасини янада оширишни вилоят ҳокимларидан талаб қилди”.

Амир Шохмуродни биз ўз навбатида ислом ҳуқуқшунослиги мураббийси сифатида эътироф эта оламиз. Шохмурод Бурҳониддин Ал-Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асаридаги ислом ҳуқуқий билимларидан, ханафий мазҳаби билимларидан, мотуридий маҳсулларидан, Қуръони Каримни талқин қилиш, уни шарҳлаш бўйича Андалусиялик машҳур Аш-Шотибий асарларидан фойдаланган ҳолатда дарс берган. Тарихнавис Мирийнинг таъкидлашича, Амир Шохмурод суфийлик илмини, ислом ҳуқуқи нормалари ва мажбуриятлари ҳақидаги илмларни **Шайх Сафардан**, Қуръони Карим илмини эса уч мураббийдан, яъни **Ҳофиз Ашур**, **Нодир Боки қори** ва **Ниезқули қорилардан** таҳсил олиб ўрганган.

Муҳаммад Ёқубнинг маълумот беришича, Амир Шохмурод ўша даврда “ҳуқуқий китоблар” ёзган. Мирийнинг тасдиқлашича, “у ханафия мазҳабига оид барча фатволарни жамлаб, **“Фатвойи Аҳли Бухоро”** номли тўпламни ёзди”. Инглиз сайёҳи ва элчи Жон Мальколмнинг бизгача етиб келган маълумотларига кўра, Амир Шохмурод бир қатор қимматли ва ноёб асарлар муаллифи бўлган. Унинг энг зўр ва қимматли китоби **“Айн ул-Ҳикма”**дир. Юқорида таъкидлаб ўтканимиздек Амир Шохмуроднинг “Фатвойи Аҳли Бухоро” номли асари бугунги кунда миллий давлатчиликни ўрганиш, уни илмий таҳлил этиш, ислом ҳуқуқини тадбиқ этиш бўйича нодир ва қимматли ҳуқуқ манбаи саналади.<sup>16</sup> Амир Шохмурод ундан ташқари Бухоро амирлигининг турли вилоятларига бориб, масжид ва мадрасаларда ислом ҳуқуқи нормалари, мажбуриятлари, турли масалалар юзасидан билим бериб келган. Кўпгина ҳолатларда масжидларга имомлик қилиб, намоз тугаганидан

---

<sup>16</sup> “Фатвойи асли Бухоро”, Ўзб.Рес.ФА Шаръшунослик Институти ёўлёмаси, инв.№ 5804 (Ўзб.Рес.ФА шаръ ёўлёмалари тўплами, VII, 332 бет, рўй.№ 5886).

сўнг “**олий йиғин**”ни (мажлиси олий) чақирган. Ушбу мажлисда Шохмурод аҳли илмни, қозиларни, ҳадисшунос олимларни тўплаб, ислом ҳуқуқи нормаларига, ҳуқуқий одатларга асосланган ҳолда аҳолига кенг ва тушунарли равишда, уларнинг саволларига жавоб қайтарган. Ундан ташқари Бухоро арки атрофидаги масжидлардан бирида Шохмуроднинг ташаббуси билан юқоридаги масалалар бўйича “**амир мажлиси**” (мажлиси Амир) ўтказилиб, кенг омма аҳлига шариат ҳуқуқий саводхонлигидан билимлар берилар эди.

Ўзбек миллий давлатчилиги тарихи манбаларининг гувоҳлик беришича, Амир Шохмурод қирқ мулладан иборат бўлган “қирқ аълам” судини жорий қилган. Ушбу суд мажлисини шахсан Амир Шохмуроднинг ўзи бошқарган. Бундай суд мажлисларида Шохмурод агар айбланувчи бўлмаса, ҳеч қайси бир жабрланувчининг талабларини эшитмаган ҳамда суд ишини бошлашга қирқ аъламга рухсат бермаган. Амир Шохмурод давлат ва ҳуқуқ ислоҳотчиси, ислом ҳуқуқи нормаларининг ғоявий ва амалий курашчиси сифатида ўз навбатида давлат бошлиғи сифатида қирқ аълам суди ишларида иштирок этганда тарафларнинг ўзаро келишуви, жабрланувчи ва айбланувчи томонларнинг ўзаро ярашувининг тарафдори ва ҳимоячиси эди.

Давлат ислоҳотчиси сифатида Амир Шохмурод яна бир қатор ишларни амалга оширган. Бухоро амирлиги ҳудудидаги воҳалардаги қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, ерлардан кўпроқ йиғин териб олиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ер унумдорлигини ошириш мақсадида бир қатор ариқлар, зовурлар, дарё ва ирмоқларни қайтадан таъмирлади ҳамда ҳудудий ерларга янги каналлар, ариқлар қаздирди. Бу эса ўз навбатида давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини янада мустаҳкамлашга, яхшилашга ҳисса қўшар эди. Соболевнинг маълумот беришича Амир Шохмурод Чоржўй каналининг ўнг томонидаги Қорадарё ҳамда бешта бошқа каналлар (Зарафшон дарёсининг ўнг томонидан: Тайман, Қораариқ,

Тўғузариқ, Оқдарёнинг ўнг томонидан Ўрта-Без ва Қорадарёнинг ўнг томонидан Оллобердиқора) унинг буйруғи билан қазилган эди.<sup>17</sup>

Самарқанд шаҳрига таҳсил олишга келган Шохмурод шаҳардаги вайронагарчиликларнинг гувоҳи бўлиб, шаҳарни тез орада қайта тиклашга киришди. Шаҳарда янги каналлар қазилгани ва олдинги каналларни қайта таъмирлашни буюрди. Самарқанд шаҳрини қайта тиклаган Амир Шохмурод йигирма тўртта квартални ташкил эттириб, бу кварталларга шарқий вилоятлардан аҳолини кўчириб келтирди. Ушбу кварталлар ичида Самарқанд шаҳридаги **Дахбед** квартали ҳам бўлиб, ушбу кварталда Махдуми Аъзам ва унинг тарафдорлари ижод этган эди.

Марказий Осиё тарихини ўрганган деярли барча тарихчи олимлар Амир Шохмуроднинг давлат бошқаруви соҳасидаги фаолиятига юқори баҳо берадилар. Ҳақиқатдан ҳам Амир Шохмурод томонидан амалга оширилган барча ислохотлар, бугунги кунга келиб тарихий фактлар ҳамда манбаларга асосланган ҳолда олиб борилаётган бир қатор илмий изланишлар натижасида ўзининг исботини топмоқда.

Миллий давлатчилигимиз асосларини, унда амалга оширилган ислохотларни, давлат бошқарув идораларининг марказлашув жараёнларини янада тарихий фактлар ҳамда манбалар асосида ўрганиш, уни илмий нуқтаи назардан кенг жамоатчиликка етказиш янги тарихий шароитда келажакни кураётган, миллий давлатчиликни тиклаётган давлат учун ғоятда муҳим жараёндир. Ўз ўрнида ушбу жараён келажакда ўзининг тарихий илдизига таяниб ҳаёт кечирса ажаб эмас.

XIX асрда манғит амирлар даврида ҳарбий соҳада жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Бундай ислохотлар қисман бўлсада, манғитлар сулоласи асосчиси **Муҳаммад Раҳим** томонидан олиб борилди. Бухоро амирлигининг ҳарбий қудрати, айниқса, **Амир Насрулло** ҳукмронлиги даврида ўзининг энг юқори нуқтасига етди. Унинг даврида Бухорода мунтазам армия – **сарбозлар (сипох)** қўшини ташкил этилди. Уларнинг сони 40 мингга яқин

---

<sup>17</sup> Соболев. “Географические и статистические сведения”, М., стр.236-242.

бўлган. Қўшинлар отлик ва пиёда жангчилардан ташкил топган бўлиб, уларнинг қуроллари асосан қилич, найза ва ўқ-ёйдан иборат эди. Бухоро амирлиги қўшинлари мамлакатнинг барча шаҳарларида, айниқса, чегара шаҳарлар (Жиззах, Ўратепа, Қорақўл, Марв)да жойлаштирилган. Бу даврда Бухорода замбараклар ясовчи чет эллик (эронлик) мутахасислар ҳам бўлганлиги мавжуд. Бироқ шунга қарамай, қўшинни замонавий милтиқлар ва замбаракалр билан қуроллантириш соҳасида бошланган ишлар тугалланмасдан қолиб кетди. Натижада XIX асрнинг 2-ярмига келиб, Бухоро амирлигининг катта қисми Россия қўшинлари томонидан босиб олинди. Буни ўз навбатида, XVII-XIX асрларда минтақамизда ҳарбий соҳада ҳеч қандай юксалиш бўлмаганлиги ҳамда замонавий қурол-яроғларнинг етарли эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Бухоро амирлигида **ер-ҳуқуқий ислохотларни** амалга оширишда аҳолининг ерлардан унумли фойдаланган ва ер солиқларини ўз вақтида тўлаб борган фуқароларига нисбатан айрим имтиёзлар белгиланган эди. Бухоро амирлигида бундай ислохотлар орқали мамлакат хазинасига келиб тушадиган ер солиқларининг мунтазам амалга оширилишига катта имконият яратилган эди. Чунки бундай имтиёзлар ўз вақтида ерлардан унумли фойдаланиш, деҳқонларга қўшимча ерлар бериш, аҳолига нисбатан бошқа турдаги солиқлардан озод қилишни кучайтирар эди. Амирлик томонидан эса қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан унумли фойдаланиш учун, амир томонидан солиқларни янада камайтириш, аҳолига бошқа қулай бўлган имкониятлар яратиб беришга ҳуқуқий асос туғилар эди. Бундай ҳолларда давлат раҳбари саналган Амир томонидан ва унинг ташаббуси билан турли ислохотлар амалга оширилар эди. Бундай ислохотлар биринчи навбатда аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга, ерларнинг ҳолатини яхшилашга ва ўз навбатида мамлакатда тинчликни сақлашнинг муҳим воситаси сифатида амалга оширилар эди. Қуйида ерга нисбатан айрим солиқ ва чекловларнинг олиб ташланиши ҳақида чиқарилган Амир фармони келтирмоқчимиз:

1827 йил 14 июль Амир Насрулло томонидан Қорақўл вилоятида Мирзо Абдурахимга тегишли бўлган 100 таноб ерга нисбатан солиқ ва чекловларнинг олиб ташланиши ҳақида фармон(ёриқ). Ушбу фармонда Қорақўл вилоятида Зиёрат канали атрофида жойлашган тахминан 100 таноб ернинг Мирзо Абдурахимга тегишли эканлиги, унинг томонидан ушбу ерлардан унумли ва мақсадли фойдаланилаётганлигини инобатга олган ҳолда барча солиқ ва чекловларни олиб ташланиши, ушбу фармонга амал қилинишлиги, Мирзо Абдурахим томонидан фойдаланилаётган ерлар унумдор ерлар тоифасига киритилиши, ундан ташқари ушбу ерлардан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадида Мирзо Абдурахимга барча имкониятлар яратиб берилишлиги кўрсатиб ўтилган.<sup>18</sup>

Ўзбек давлатчилиги тарихини чуқур ўрганар эканмиз, хусусан Бухоро амирлиги давлатчилиги тарихида юқорида амалга оширилган ислохотлар орқали уларни кенг жамоатчиликка етказиш ва албатта жаҳон давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эга эканлигини ҳеч шубҳасиз тарғиб эта оламиз.

Бухоро амирлигида амалга оширилган солиқ-ҳуқуқий ислохотларга тааллуқли бўлган ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан (реестр) ўтказилганлигининг гувоҳи бўламиз. Албатта, давлатчилик тарихининг ўзи, амалга оширилган ислохотларнинг ҳуқуқий асосга эга эканлигини, ушбу ҳаракатларнинг расмий жихатдан тўлиқ амалга оширилганлигини назарда тутди. Бундай ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳуқуқий ҳужжат саналган хабарномалар (аризалар) орқали барча бажарилган ишларнинг расмий ҳужжати солиққа оид ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатларида (реестр)да ёзиб қолдириш орқали ўз ифодасини топган.

Бухоро амирлигида амалга оширилган турли-туман ислохотларни назорат қилиб бориш мақсадида маҳаллий вакиллар бўлиб, улар бевосита ҳукуматга жойларда олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги, хато ва

---

<sup>18</sup> “Документы к истории аграрных отношений в Бухарском Ханстве”. Т., 1952г. 183 стр.

камчиликлар юзасидан маълумотлар бериб турар эдилар. Улар томонидан амир номига шикоят хатлари, хабарномалар (аризалар) келтирилар эди.

Туркий уруғлардан бўлган манғитлар ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлигида турли хил давлат ислохотлари амалга оширилди. Бундай ислохотларга ер-ҳуқуқий, молия, маъмурий, солиқ, суд ва ҳарбий ислохотларни келтириш мумкин. Ўша даврда ер-ҳуқуқий ислохотлари асосан туркий уруғлардан бўлган манғит ҳукмронларидан Амир Шохмурод, Амир Насрулло, Амир Музаффар ҳукмронлик қилган даврларда амалга оширилди. Ушбу ислохотлар ерга оид турли низоларни суд йўли билан ҳал этиш, ер солиқларини эркинлаштириш, яъни халқни айрим ер солиқларидан озод этиш, ерларни ижарага бериш каби шаклларда амалга оширилган. Бундай ислохотларнинг амалга оширилганлиги ҳақида ноёб ва ҳуқуқий манба деб тўла эътироф этиш мумкин бўлган ҳуқуқий ёдгорлик саналмиш – “Мажму ал-арқом” (“Рақамлар ва руқумлар ҳақидаги”) расмий қоидалар тўпламида, амир фармойишлари (**муборакнома**)да, фармонларида (**ҳукмнома**), хабарномаларда (**ариза**) ундан ташқари ерга оид ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатларида (**реестр**) ўз ифодасини топган. Ушбу илмий ва ҳуқуқий манбалар илмий изланишлар натижасида 1954 йилда Тошкент шаҳрида таржима қилинган «Документы к Истории аграрных отношений в Бухарском Ханстве» номли ноёб асарлардан ўрганиб чиқилди.

Юқорида келтирилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг бугунги кунда нечоғлик илмий изланишга мойиллигини замоннинг ўзи эмас, балки истиқлол қуёшининг порлаб турган бир пайтида ўзбек давлатчилигини, унда амалга оширилган ислохотларни илмий ва назарий жиҳатдан исботлаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Илмий изланишлар натижасига кўра, Бухоро амирлигида инсонпарварлик, одиллик ғояларига таянган ҳолда ер-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилган. Ушбу ислохотлар орқали жамиятда барқарорликни, иқтисодий таназзулдан қочишга имкон таъминланганлигини кўришимиз мумкин. Олиб борилган илмий тадқиқотнинг асл мақсади – Бухоро

амирлигида амалга оширилган ер-хуқуқий ислохотларни тарихий ва аниқ фактларга асосланган ҳолда, ўзбек давлатчилиги тарихидаги ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиши ва шаклланишидаги ролини ўрганиб, уни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ўзбек давлатчилиги тарихини тадқиқ этиш, мустақил Ўзбекистон давлат қурилиши ва бошқарувини янада такомиллаштириш учун замин бўлиб хизмат қилади.

Юқорида таъкидланганидек, Бухоро амирлигида ер-хуқуқий ислохотларни амалга оширилганлигини тасдиқ этувчи ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Масалан, 1790 йил 30 август – 1791 йил 19 август Амир Шохмурод томонидан тўқсоба Мирзо Умид ва қози Мулло Олимхожиларга Гулаёғусти аҳолисига хусусий ерлар учун ариқ қазиш ва уни ер эгалари томонидан адолатли равишда ҳақ тўланишини амалга ошириш мақсадида фармойиш (муборакнома) эълон қилинади. Ушбу фармойиш (муборакнома)да қуйидаги матнлар баён этилган:

«Ҳурматли Мирзо Умид тўқсоба ва қози мулло Олимхожи!

Сизларга Оллоҳнинг раҳм ва шафқати келсин. Сизларга юборилаётган хабарноманинг мазмуни шундай “Ушбу низо бизнинг томондан тўлиқ суриштирилиб, ўрганиб чиқилди. Гулаёғусти маҳалласида тахминан 2000 (7) таноб султонликнинг “ўлик ерлари” мавжуд бўлиб ушбу ерлардан ҳеч ким фойдаланмайди. Тахминан 8000 қадам ушбу ерларни обод қилиш мақсадида бир неча киши ариқ қазиган. Ариқни чиқаришга оз қолган, лекин саккиз киши томонидан сотиб олинishi керак бўлган ерларнинг нархига томонлар ўзаро келиша олмаяпти. Агар ариқни қазиш охирига етказилса, аҳолига жуда катта фойда олиб келган бўлур эди.

Қонунга асосланган ҳолда унинг ҳаққоний нархини чиқаринг. Бу ишда шарт этиб, ариқни қазишни тугалланг”<sup>19</sup>.

Ундан ташқари 1870 йил 22 март 1871 йил 10 март Амир Музаффар томонидан Бош Қушбеги Муҳаммадшоҳга 12 таноб давлатга тегишли бўлган

---

<sup>19</sup> “Документы к истории аграрных отношений в Бухарском Ханстве”. Т., 1952г. 183 стр.

ерларни Фарахт аҳолисига сотиш бўйича фармойиш (муборакнома) эълон қилинади. Ушбу фармойишда Бош Қушбеги Муҳаммад Шохбий томонидан юборилган хабарнома (ариза) тўлиқ ўрганилганлиги, унинг мазмун моҳияти тушунилганлиги, Бош Қушбеги томонидан келтирилган тақдимномалар тўғри ва адолатли эканлиги, ойлик низолар бўйича келтирилган тақдимномага фахрий ёрлик берилганлиги қайд этилган. Ушбу Бош Қушбеги тақдимномасида «ўн икки таноб султонлик ерларининг Фарахт аҳолиси билан савдолашилганлиги, унинг нархи 13 тилло этиб белгиланганлиги ва сотилиши масалалари» ўз аксини топган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Бухоро амирлигида ер-ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда аҳолининг ерлардан унумли фойдаланган ва ер солиқларини ўз вақтида тўлаб борган фуқароларига нисбатан айрим имтиёзлар белгиланган эди. Бухоро Амирлигида бундай ислохотлар орқали мамлакат хазинасига келиб тушадиган ер солиқларининг мунтазам амалга оширилишига катта имконият яратиларди. Чунки бундай имтиёзлар ўз вақтида ерлардан унумли фойдаланиш, деҳқонларга қўшимча ерлар беришни кучайтирар эди. Амирлик томонидан эса қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан унумли фойдаланиш учун бошқа аҳолига қулай бўлган имкониятлар яратиб беришга ҳуқуқий асос туғилар эди. Бундай ҳолларда давлат раҳбари саналган амир томонидан ва унинг ташаббуси билан турли ислохотлар амалга оширилар эди. Бундай ислохотлар биринчи навбатда аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга, ерларнинг ҳолатини яхшилашга ва ўз навбатида мамлакатда тинчликни сақлашнинг муҳим воситаси сифатида амалга оширилар эди. Қуйида ерга нисбатан чекловларнинг олиб ташланиши ҳақида чиқарилган Амир фармонини келтирмоқчимиз.

1827 йил 14 июль Амир Насрулло томонидан Қорақўл вилоятида Мирзо Абдураҳимга тегишли бўлган 100 таноб ерга нисбатан чекловларнинг олиб ташланиши ҳақида фармон. Ушбу фармонда Қорақўл вилоятида Зиёрат канали атрофида жойлашган тахминан 100 таноб ернинг Мирзо Абдураҳимга тегишли эканлиги, унинг томонидан ушбу ерлардан унумли ва мақсадли

фойдаланилаётганлигини инобатга олган ҳолда барча чекловларни олиб ташланиши, ушбу фармонга амал қилинишлиги, Мирзо Абдурахим томонидан фойдаланилаётган ерлар унумдор ерлар тоифасига киритилиши, ундан ташқари ушбу ерлардан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадида Мирзо Абдурахимга барча имкониятлар яратиб берилишлиги кўрсатиб ўтилган.<sup>20</sup>

Ўзбек давлатчилиги тарихини чуқур ўрганар эканмиз, хусусан Бухоро Амирлиги давлатчилиги тарихида юқорида амалга оширилган ислохотлар орқали уларни кенг жамоатчиликка етказиш ва албатта жаҳон давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эга эканлигини ҳеч шубҳасиз тарғиб эта оламиз.

Бухоро амирлигида амалга оширилган ер-ҳуқуқий ислохотларга тааллуқли бўлган ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказилганлигининг гувоҳи бўламиз. Албатта, давлатчилик тарихининг ўзи, амалга оширилган ислохотларнинг ҳуқуқий асосга эга эканлигини, ушбу ҳаракатларнинг расмий жихатдан тўлиқ амалга оширилганлигини назарда тутди. Бундай ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳуқуқий ҳужжат саналган хабарномалар (аризалар) орқали барча бажарилган ишларнинг расмий ҳужжати ерга оид ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатларида (реестр)да ёзиб қолдириш орқали ўз ифодасини топган. Қуйида бунга аниқ бир мисолни келтириб ўтмоқчимиз:

XIX асрнинг иккинчи ярмида қози Мулло Мирзо Ҳикматулло томонидан давлат бошлиғи Амирга Сомичан тумани ҳудудидаги ерларни аҳолига сотилганлиги ва сотилган ерларнинг ҳуқуқий ҳужжатларини давлат реестрига киритиш ҳақида хабарнома (ариза) келтирилган. Ушбу хабарномада (аризада) қози Мулло Мирзо Ҳикматулло томонидан Сомичан тумани Мусча ҳудудига кирадиган ерларнинг давлатга тегишли эканлиги, ушбу ерлар давлат хазинаси ҳисобида турганлиги, 25 таноб эгасиз ётган ерларни ҳар бир танобини бир тиллодан сотганлигини, йиғилган пулларни

---

<sup>20</sup> “Документы к истории аграрных отношений в Бухарском Ханстве”. Т., 1952г. 183 стр.

давлат хазинасига топширганлигини ва ўз навбатида ушбу сотилган ерларнинг ҳуқуқий ҳужжатларини, яъни шартномаларини давлат реестридан ўтказишни сўраганлиги акс эттирилган.

Бухоро Амирлигида ер-ҳуқуқий ислоҳотларга тааллуқли бўлган бошқа кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Булар каторига ерни олди-сотди шартномалари (далолатнома), ерларни вақтинча ва мақсадли фойдаланиш учун бериш, яъни ижара шартномаларини киритиш мумкин.

Бухоро Амирлигида амалга оширилган турли туман ислоҳотларни назорат қилиб бориш мақсадида маҳаллий вакиллар бўлиб, улар бевосита ҳукуматга жойларда олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги, хато ва камчиликлар юзасидан маълумотлар бериб турар эдилар. Улар томонидан Амир номига шикоят хатлари, хабарномалар (аризалар) келтирилар эди.

Миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганишга жиддий эътибор берилаётган ҳозирги кунда бугунги давр талаби асосида Бухоро Амирлигида амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотларнинг давлатлилик тарихига улкан ҳисса қўшишида ва уни давлат тизимини тадқиқ этишдаги ўрнига доир илмий асарларга эҳтиёж каттадир.

### **Бухоро амирлигида давлат бошқаруви, суд ва судлов ва ташқи дипломатия муносабатлари.**

Туркий уруғлардан бўлган манғитлар ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлигининг давлат тизимини, бошқарув тартибларини, суд ва судлов масалаларини ҳамда манғит ҳукмдорларининг ташқи дипломатик, сиёсий ва маданий, савдо-сотик, ҳарбий муносабатларини ўрганиш ўзбек миллий давлатчилиги тарихини тўлароқ ёритишга катта ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

Ўзбек халқининг қадим давлатчилик тарихига, унинг барча босқичлари ва даврларига холис, ҳаққоний баҳо бериш, тарихий адолат нуқтаи назаридан ёритиш олдимизга турган долзарб масалалардан бири

хисобланади. Зеро, Президентимиз И.А.Каримовнинг «Тарихга мурожаат қилар эканмиз, у халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди»<sup>21</sup> деган фикрлари давлатчилик масалалари билан бевосита шуғулланувчи олимлар олдида катта вазифаларни юклайди.

Бухоро амирлигининг XIX аср охириги ўн йилликлари XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий тарихини, давлат бошқарувини, диний-ҳуқуқий ва ҳарбий бошқарув масалаларини ўрганиш бизга муҳим ҳулосаларни чиқаришга имкон беради.

Мавзунинг долзарблиги ва муҳим тарихий манбаларнинг мавжудлигига қарамасдан, Бухоро амирлигининг давлат бошқаруви тарихи, айниқса, маҳаллий бошқарув ва қўйи маъмурий амалдорларнинг давлат бошқарувида иштироки етарлича ўрганилмаган. Миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганишга жиддий эътибор берилаётган ҳозирги кунда бугунги давр талаи асосида Бухоро амирлигининг XIX аср охири XX аср бошларидаги тарихи, марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари, олий табақа амалдорлар ва қўйи маъмурий бирликлар бошлиқларининг, ҳарбий-маъмурий ва диний амалдорларнинг давлат бошқарувидаги ўрнига доир илмий асарларга эҳтиёж каттадир.

Собиқ шўро даври давлатчилигида бундай масалалар бир томонлама, ўша даврда ҳукмрон мафкура манфаатлари ва талаблари нуқтаи назаридан ёритилган эди. Шу сабабли ҳам бу мавзунини тўлиқ ва батафсил ёритилган деб айтиб бўлмайди. Бухоро амирлигида етакчи ўзбек уруғлари, хусусан, манғит уруғи зодагонлари ҳукмрон табаканинг асосий таянчи бўлиб хизмат қилди. Давлатдаги энг олий ҳарбий-маъмурий амалдорлар, маҳаллий бошқарувдаги асосий мансабдорлар манғит уруғига мансуб бўлган кишилардан тайинланар эди. Шу билан бирга бу даврда манғитларга ва бошқа ўзбек уруғларига мансуб бўлмаган кишиларнинг ҳам давлат бошқарувидаги юқори амалларни эгаллаш ҳолати кўзга ташланади. Бу ерда ҳатто форслар орасидаги давлатда

---

<sup>21</sup> И.А.Каримов. “Тарихий хотирасиз келажак йўе” Т., 109 бет.

амирдан кейинги иккинчи ўринда турадиган қушбеги амалига тайинланган кишиларнинг борлигига ҳам эътиборни қаратиш лозим. Бу ҳолат Бухоро амирлигининг фақатгина сўнгги даврига хос бўлиб, ҳатто XIX асрнинг ўрталарида ҳам қаттиқ амал қилинган қоида, яъни давлатдаги энг қори амалдорларни фақат ўзбек уруғларига мансуб бўлган кишиларга бериш анъанаси ўз кучини амалда йўқотганлигини кўрсатади.

Бухоро амирлигида давлатни бошқариш бошқа хонликлардан деярли фарқ қилмаган. 16-17 асрларда **оталиқ** лавозимидаги шахс хоннинг ўнг қўли ҳисобланиб, у бутун мамлакатни бошқарган. **Нақиб** ҳарбий ва ташқи сиёсат билан шуғулланган. Вақф ерларни назорат қилиш **садрлар** зиммасига юклатилган. Шунингдек, қўшин учун алоҳида қози (**қозинаскар**) тайинланган. Қонуншуносликка ва умуман шариатга доир муҳим масалани ечиш ва ҳаётга тадбиқ этиш **қирқ аълам** зиммасида бўлган. **Девонбеги** оталиқ мансабидан кейин турган. У уруш ва сулҳ ишлари, айрим вилоят бошлиқларини тайинлаш ва бошқа масалалар билан шуғулланган. **Парвоначи** хон ёрлиқларини топшириш ва ҳарбий қисмларга бошчилик қилиш каби вазифаларни адо этган. Шунингдек, хонликда **ясовул, эшикоғабоши, мирохур, шиғовул, амири лашкар, тўпчибоши, мирзабоши, хазиначи, меҳтар, мироб, қушбеги** ва бошқа лавозимлар бор эди.

Манғитлар сулоласи даврида ҳам мустабид ҳокимият шакли мавжуд бўлиб, амир ҳуқуқи чегараланмаган олий ҳукмдор эди. Ижро этувчи ҳокимиятни **бош вазир – қушбеги** бошқарган. У хон билан бамаслаҳат иш юритган. Жамият ҳаёти шариат қонунларига асосланган. Мамлакат мураккаб давлат аппарати орқали идора қилинган. Масалан, молия ишлари **девонбежийи калонга**, давлат хавфсизлиги **қўқалдошга**, ички тартиб ва хавфсизликни назорат қилиб туриш **раисга** топширилган. Бухоро қозикалони ҳузурида **қирқ аълам** ва 12 муфтийдан иборат ривоятлар тузувчи **муфтийлар девони** бўлган. Амирликда мусулмон руҳонийлари юқори мавқега эга бўлган. Улар катта ерларга эгалик қилар эди. **Шайхулислом** бош

руҳоний ва адлия ишларининг сардори ҳисобланган. У жамият маънавий ҳаётини бошқарган. Суд ҳокимияти руҳонийлар қўлида бўлган. Барча қозилар (**қози-ул-қуззот**) **қозикалонга** бўйсунган. Давлат бошқарувида у ёки бу лавозим вазифасига қараб ўзгариб турган.

Хонликда ўрта асрчилик бошқарув тизимининг узоқ сақланиши тараққиёт ва қўшин куч-қудратига салбий таъсир кўрсатган. Қўшинда дастлаб мисдан, 19 аср бошларида чўяндан қуйилган бир неча тўп бўлган. Сарбозлар ўқ-ёй, найза, қилич, ойболта каби ибтидоий қуроллар билан қуролланган. Хонликда қўшин асосан отликлардан ташкил топган. 18 аср охиридаги маълумотларга кўра, хон 10 минг кишилиқ қўшин тўплаш имконига эга бўлган. 19 аср 30 – йилларида ёлланма аскарлар сони 19 минг киши бўлиб, улар хизматини турли шаҳар ва ҳарбий истехкомларда ўтаганлар. 19 аср ўрталарида ҳарбий қисмлар, шунингдек тўп ва милтиқлар сони ортган. Умумий қўмондонлик амири лашкар зиммасида бўлган.

Давлат амалдаги ва расман деярли чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган **амир** томонидан бошқариладди. Бухоро амирлари ўз шажараларини Муҳаммад пайғамбардан бошлаганликлари сабабли улар ўз унвонларига “саид” сўзини қўшиб атардилар. Амир ёнида доимий равишда унинг шахсий ёзишмаларини олиб боровчи икки нафар котиби бўлган. Уларнинг биринчиси **мунший** бўлиб у барча ишлар бўйича берилган кўрсатмаларни ёзиб борган ва амирга келган ахборотларга, маълумотларга ҳамда маъмурий вакиллардан ва алоҳида шахслардан келган илтимосномаларга, шикоятларга жавоб бериш билан машғул эди. Иккинчи котиб – **мушриф** бўлиб, у сарупо бериш, қурол-яроғ ва шу қабиларни тарқатиш ҳақидаги кўрсатмаларини расмийлаштирар ва ёзиш билан шуғулланар эди. Амир томонидан юқорида зикр этилган илтимоснома, шикоятлар ва бошқа хатларга берилган ёзма жавоби муборакнома деб аталган.

Амир ҳудудий тузилмалардан доимий хабарномалар олиб турган. Одатда бир марта амирликдаги барча бекликлар беклари ва қозилари чопар

навкарлар орқали амир ҳузурига ёзма ахборотномалар юбориб турганлар. Уларга амир номидан «**муборақнома**»лар жўнатилган.<sup>22</sup>

Бухоро амирлиги давлат бошқарувида ҳарбий-маъмурий амалдорлар катта ўрин тутган. Мамлакат қўшинлари асосан отлиқ ва пиёда аскарлардан ташкил топган бўлиб, улар ўқ-ёй, узун найза, гурзи, узун дасталижанг болтаси (табарзан), чангак каби ҳужум қуролларига эга бўлган. Бу даврда навкарларнинг ҳимоя учун қалқон (**сипар**)дан фойдаланганликлари, совут – **жовшан (форсча бахтар)** ҳамда темир симдан майда қилиб тўқилган, усти ипак ва бахмал мато билан ёпилган қурол ёки **жиба (жева)** – темир ёки пўлатдан ишланган махсус кийим кийиб жанг қилганлари манбаларда акс этган. Қўшиннинг асосий жанговар қисмини суворийлар ташкил этган. Шу сабабли ҳам ўзаро урушларда отларнинг ҳимоясига катта эътибор берилган ва ўқ ўтмаслиги учун уларнинг устига махсус ёпинқич – **гежм (кежим)** ёпилган. Мамлакат қўшини таркибида душманнинг шаҳар ва мудофаа қўрғонларини ишғол этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган нафтандозлар, манжанақчилар ва тош отувчилар ҳам бўлган.

Бухоро қўшинларининг таркибий тузилиши, жанг қилиш тартиблари Чингизхон ва Амир Темури қўшинлари ҳарбий тузилиши, уруш тактикасига асосланган. Шу билан бирга, улар туркий халқларга хос бўлган қадимги жанг усулларини ҳам ўзлаштирган. Қўшин таркибида тўғчи қисм, яъни байроқ остида эҳтиётда турувчи (туғни қўриқловчи) 20-30 мин кишилиқ жанговар ҳарбий бўлинма ҳамда забонгири, яъни душман томонидан яширин равишда “тил” тутиб келувчи махсус бўлинма ва хабаргири – душман тўғрисида умумий маълумот келтирувчи бўлинмалар ҳам бўлган. Айрим манбаларнинг далолати беришича, Ҳавқулодда вазиятларда энг қалтис ҳарбий вазифаларни бажаришга мўлжалланган жанговар қисмлар ҳам бўлиб, улар асосан сараланган ўзбек жангчиларидан ташкил топган. Амирнинг хос қўриқчилари ҳам сараланган ўзбек навкарларидан тузилган.

---

<sup>22</sup> “Документы к истории аграрных отношений в Бухарском Ханстве”. Т., 1952г. 183 стр.

Бухоро амирлигида олий бош қўмондан амир бўлиб, у қўшинни турли даражадаги ҳарбий амалдорлар ёрдамида бошқарган. Мамлакат қўшини ҳам Чингизхон ва Амир Темур қўшинларидек, 10 минглик корпуслар – туманларга бўлинган. Уларга нўён деб аталувчи ҳарбий саркардалар бошчилик қилган. Туманлар ўз навбатида, минглик, юзлик, ўнликларга ажралган. Амирликда қўшинни жангга ҳозирлаш, ҳарбий амалдорлар ва навкарларга маош тўлаш ва бошқа ташкилий ишлар билан махсус амалдор – тавочи шуғулланган. Қўшинни қурол-яроғ билан таъминлашга масъул бўлган амалдор - **жевачи** бўлиб, у амирнинг қурол-аслаҳаларига ҳам жавобгар ҳисобланган. Ҳарбий амалдорлар ва навкарларга хазинадан бериладиган маошдан ташқари, ҳарбий юришлар пайтида қўлга киритилган ўлжадан ҳам маълум миқдорда улуш ажратилган.

XIX асрда манғит амирлар даврида ҳарбий соҳада жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Бундай ислохотлар қисман бўлсада, мағитлар сулоласи асосчиси Муҳаммад Раҳим томонидан олиб борилди. Бухоро амирлигининг ҳарбий қудрати, айниқса, Амир Насрулло ҳукмронлиги даврида ўзининг энг юқори нуқтасига етди. Унинг даврида Бухорода мунтазам армия – **сарбозлар (сипох)** қўшини ташкил этилди. Уларнинг сони 40 мингга яқин бўлган. Қўшинлар отлик ва пиёда жангчилардан ташкил топган бўлиб, уларнинг қуроллари асосан қилич, найза ва ўқ-ёйдан иборат эди. Бухоро амирлиги қўшинлари мамлакатнинг барча шаҳарларида, айниқса, чегара шаҳарлар (Жиззах, Ўратепа, Қорақўл, Марв)да жойлаштирилган. Бу даврда Бухорода замбараклар ясовчи чет эллик (эронлик) мутахассислар ҳам бўлганлиги мавжуд. Бироқ шунга қарамай, қўшинни замонавий милтиқлар ва замбаракалр билан қуроллантириш соҳасида бошланган ишлар тугалланмасдан қолиб кетди. Натижада XIX асрнинг 2-ярмига келиб, Бухоро амирлигининг катта қисми Россия қўшинлари томонидан босиб олинди. Буни ўз навбатида, XVII-XIX асрларда минтақамизда ҳарбий соҳада ҳеч қандай юксалиш бўлмаганлиги ҳамда замонавий қурол-яроғларнинг етарли эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Марказий бошқарувда ҳам, маҳаллий бошқарувда ҳам турли тоифадаги амалдорларнинг мавқеи баланд эди. Амир ва унинг махфий хизмати томонидан амалга ошириб турилган назорат ҳам кўпгина амалдорларнинг ўз мансабларини суистеъмол қилишлари олдини олганлигини тарихий фактлар кўрсатиб турибди. Қушбеги архиви ҳужжатларининг чиқиш рўйхатидаги маълумотларга қараганда (1915й) Бухоро амирлиги 27 вилоят ва 11 туман дан иборат бўлган.<sup>23</sup> Барча туманлар Бухоро шаҳри атрофида жойлашган эди. Қуйида Бухоро шаҳри атрофида жойлашган **11 туманнинг** номларини келтириб ўтмоқчимиз:

**1.Жанубийи-Руд, 2.Камат(Вобкент), 3.Ками Оби Муслим(Вағонзе), 4.Қоракўл, 5.Пирмаст, 6.Сомежон(Ромитан), 7.Хайробод, 8.Харкан Руд (ғиждувон), 9.Хутфар(Зандани), 10.Шофирком, 11.Шимолийи-Руд.**

Бухоро амирлиги ҳудудига кирувчи **27 вилоятни** (беклик) қуйидаги рўйхатда келтиришга ҳаракат қилдик:

**1.Бойсун, 2.Болжувон, 3.Бурдалиқ, 4.Дарвоз, 5.Денов, 6.Зиёвуддин, 7.Яккабоғ, 8.Кабодиён, 9.Қоратегин, 10.Карки, 11.Кармана, 12.Қарши, 13.Келиф, 14.Китоб, 15.Кўлоб, 16.Қўрғонтепа, 17.Нурато, 18.Сарижўй, 19.Усти, 20.Хатирчи, 21.Ҳисор, 22.ғузур, 23.Чаҳор Жўй, 24.Чироқчи, 25.Шаҳрисабз, 26.Шеробод, 27.Шўғнон.**

Ундан ташқари Бухоро амирлигида 320дан ортиқ амлок ерлари ва бошқа майда маъмурий бўлинмалар мавжуд бўлган. Ўз навбатида аҳоли пунктлари ҳам 10 мингдан ортиқ бўлган. Барча вилоятларнинг маъмурий маркази ҳам мазкур вилоятнинг номи билан аталар эди. Бухоро амирлигида аҳоли пунктлари сонининг кўплиги билан шарқий вилоятлар машҳур эди. Масалан, Болжувонда – 1420, Ҳисорда – 1200, Қоратегинда – 700, Кўлобда эса – 635 та аҳоли пунктлари мавжуд эди. Туркман вилоятларининг сони унча кўп бўлмасдан, масалан, Усти вилоятида 15 та, Бурдалиқ – 14, Келиф вилоятида эса – 24 тадан аҳоли пунктлари мавжуд эди. Бошқа вилоятларда эса 100тадан 400тагача аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, уларнинг сони

---

<sup>23</sup> Ўзб. Рес. МДА Фонди. И-126, оп.І, д.51.

Бухоро шаҳри атрофидаги туманлар аҳоли пунктларининг сони билан бир хилда эди.<sup>24</sup> Маҳаллий тарихнавис Абдурахмон Тамкин Бухорийнинг кўрсатишича, фақатгина 1915 йилда Бухорода шаҳар атрофида икки туман: Шимоли-Руд ва Жануби-Руд ташкил этилган. Ушбу икки туман бошқа 9 та тумандан ўзининг маъмурий марказига эга бўлмаганлиги билан фарқланади. Ушбу туманлардан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни Бухоро шаҳри Садр-раиси хизматчилари йиғиб олар эди. Кўпгина туманлар икки номга эга бўлган. Масалан, ғиждувон Харкан Руд, Камат Вобкент ва Сомижон Ромитан номлари билан аталган. Бухоро амирлигида бир туманни ташкил этиш учун 80 та аҳоли пунктларини бирлаштириш керак эди. Лекин ушбу шартга қарамай туманларда аҳоли пунктларининг сони 1916 йилга келиб хатто 120дан 340 та аҳоли пунктларига кўпайди. Бухоро амирлигида кўпинча вилоятлар, туманлар ва бошқа амлок ерларини бир-бирига қўшиш, ажратиш ёки бўлмаса тўғридан-тўғри Бухоро шаҳрига буйсунадиган бутунлай мустақил бир маъмурий-худудий бирлик ташкил этилар эди. Масалан, 1914 йилда Сомежон тумани Хутфар туманига, Шофурком тумани Пирмаст туманига қўшиб юборилган эди. Алоҳида маъмурий-бирлик ҳисобланган уч амлок ерлари: Коми Миғ, Янги Қўрғон ҳамда Караман XIX аср охирига келиб вилоят ҳисобига кирадиган бўлди.<sup>25</sup> 1916 йилга келиб эса, Коми Миғ, Янги Қўрғон амлок ерлари Кармана вилояти ҳокимига буйсуна бошлади. Бухоро амирлигида вилоятлар ва туманлар турлича маъмурий-худудий жиҳатдан бўлиниб, уларнинг кўпчилиги амлок ерларига, улар эса қишлоқларга бўлинган эди. Ўша даврда кўпгина туманлар ва вилоятлар мавзеларга бўлинган бўлиб, уларнинг таркибига бир қатор қишлоқлар кирган. Бизгача етиб келган ҳуқуқий ҳужжатларга эътиборни қаратадиган бўлсак, амирликдаги бир қатор вилоят ва туманларда **амлок, мавзе, гузар** ҳамда **мачит** каби маъмурий-худудий бирликлар мавжуд эканлигинининг гувоҳи бўламиз. Кармана вилоятида амлоқлар таркибига мавзелар, мавзелар

---

<sup>24</sup> А.Р.Мусамеджанов. “Населенные пункты Бухарского эмирата”(конец XIX – нач.ХХвв). Т., “Университет” 2001г. 5 стр.

<sup>25</sup> Ўз.Рес. Марк. Дав. Архиви. Ф.И-126, оп.1, ед.хр.50. л.4.

таркибига эса мачитлар кирган. Ҳатто айрим мавзелар таркибига 10 дан ортиқ мачитлар кирган. Вилоятлар ва туманларда мавзе қишлоқ ёки мачит каби маъмурий-ҳудудий бирликларга нисбатан ҳудудий жиҳатдан анча катта саналган. Карки вилоятининг асосий таркиби мавзелардан иборат бўлса ҳам, лекин ушбу мавзелар **бекча** деб аталувчи маъмурий бирликларга бўлинган. Нурато вилояти эса **гузарларга**, гузарлар эса ўз навбатида қишлоқларга бўлинган. Қоратегинда **рабавлар**, улар эса мавзе ва қишлоқларга бўлинган. Помир вилоятлари Рўшон ва Шўғнонда маъмурий бирликлар **оқсоқоллик** деб аталувчи ҳудудларга бўлинган. Амирликдаги барча туманлар шу ҳудуддан оқиб ўтадиган ариқ, канал ва анҳорларнинг номи билан бирга кўшиб айтилар эди. Масалан, Қоракўл тумани 7та **наҳр**(ирмоқ)ларга бўлинган эди. Камат тумани 5 та, Пирмаст тумани 3 та ирмоққа бўлинган эди. Бухоро амирлигида аҳолини, ҳудудларни марказлашган тизимда ҳисоб-китобини олиб борилмаганлиги Чор Россиясининг сиёсий агентлигига ўзининг Бухоро амирлигида амалга оширилиши лозим бўлган иқтисодий манфаатдорликка катта таъсир ўтказувчи вазифаларини ўтказишга тубдан ҳалақит берган. Масалан, 1913 йилнинг декабрь ойида Самарқанд уездлигига тегишли бўлган ерларга Қарши вилоятининг Ашурбек қишлоғидан, Чироқчи вилоятининг Шоди Қўрғон қишлоғидан, Зиёвуддин вилоятининг Жўйхазарман қишлоғидан чорва молларининг кириб келиши натижасида экин майдонларининг анча қисми пайхон этилган. Ушбу масалада Самарқанд уездлигининг давлат мулки бўйича мудир сиёсий агентлик орқали жаримани талаб қилганда, юқоридаги вилоятларнинг ҳокимлари улар бошқараётган вилоятларда бу номдаги қишлоқлар мавжуд эмас деб маълумот беради.<sup>26</sup>

Амирликдаги бекликлар ўз ҳудуди, нуфузи ва бошқа кўпгина жиҳатлари билан бир-биридан фарқланар эди.

Бекликларда ҳам ўзига хос маъмурий бошқарув аппарати ташкил этилган бўлиб, уларга диний-ҳуқуқий масалаларни бошқарувчи қози, раис,

---

<sup>26</sup> Ўз.Рес. Марк. Дав. Архиви. Ф.И-3, оп.1.ед.хр.626, л.73-86.

муфтий каби амалдорлар, солиқ йиғувчи (закотчи), қўшинни бошқарувчи ясовулбоши, миршаб каби амалдорлар ва бошқалар мавжуд бўлган.

Вилоятлар қозилари тўғридан-тўғри Бухородан тайинланган ва ўз фаолиятида бекдан мустақил бўлган. У одатда бекнинг ҳаракатлари ҳақида махфий равишда Бухорога хабар бериб турган. Диний амалдорлар мамлакатдаги суд ҳокимиятини, шунингдек, таълим ва тарбия масканлари бўлган мадрасалар, бошланғич мактабларни, кундалий ҳаётда катта ўрин тутган масжидлар ва бошқа шу турдаги ижтимоий муассасаларни ўз назоратлари остига олган эдилар.

Давлатни бошқаришда амирнинг асосий ва биринчи ёрдамчиси қушбеги ҳисобланган. Вазирланинг энг улуғи қушбеги ҳисоланган. У давлатнинг тажрибали, ишбилармон, сиёсатдон одамларидан тасдиқланган. Номзод аввал девонбеги мансабига мушарраф бўлмоғи лозим, сўнгра қушбегиликка лойиқ саналган. У саройдаги энг юқори унвон бўлиб давлатда амирдан сўнг турган. Турклардаги улуғ вазир ёки Европадаги давлат канцлери сингари, қушбеги амирнинг энг яқин маслаҳатчиси ва ишончли одами бўлган. “Қушбеги амирнинг энг яқин ёрдамчиси, - деб ёзган олим П.Шубинский. – Қушбеги мансабини вице-канцлер мансабига тенглаштириш мумкин, бундан ташқари у шунингдек арк беги, Бухоро шаҳри ҳокими давлат хазинаси ва муҳрининг сақловчиси мансабларини ҳам ўз ичига олади”.<sup>27</sup> У амирнинг шахсий муҳрини сақловчи, бошқа давлатлар билан алоқаларни назорат қилувчи ва шунингдек молия ишларини бошқарувчидир.

Савдодан олинувчи барча божхона тўловлари бошқаруви ҳам унинг қўлида бўлиши билан бир қаторда, у ер солиғини йиғиш ва ер-мулкларни беришни ҳам назорат қилган. Булардан ташқари унга амир саройи хавфсизлигини назорат қилиш вазифаси ҳам юклатилган. Айнан мана шунинг учун ҳам амир шаҳардан бошқа жойга кетган пайтда у сарой дарвозахонасининг унга махсус қурилган жойида амир шаҳарга қайтгунча

---

<sup>27</sup> Р.Солиева. “Марказий давлат бошқаруви тарихига бир назар”, Т., Мулоҳот-2004 й. 41 бет.

кутиб ўтиришга мажбур бўлган. Ҳар куни кечқурун шаҳарнинг кечаси кулфланадиган дарвозаси калити қушбегига олиб келиб берилган ва эртасига эрталаб эса калитлар яна дарвозабонлар бошлиғига қайтарилган. Шунингдек, қушбеги Бухоро шаҳар ҳокими бўлиб қолмасдан, барча бекларнинг олий бошлиғи ҳам эди. Унинг маҳкамасидан энг марказий ҳокимиятнинг кўрсатмалари ва қарорлари чиқил турган. Қушбеги барча ишларни бевосита амирнинг розилиги билан қилган ва ҳар куни қилинган ва қилинаётган ишлар тўғрисида амирга ёзма ёки оғзаки ахборот бериб турган.

Бухоро бош қушбегиси – **Қушбегийи боло** (юқори қушбеги) де аталган. Ундан фарқ қилган ҳолда **қушбегийи пойон** (қуйи қушбеги) деб аталган амалдор бўлиб, у давлатнинг бош закотчиси ҳисобланган. Бухоро тарихнавислик мактаби бўлган Муҳаммад Али Балжувоний қушбеги мажбуриятларини таъкидлаб шундай деган эди: “У шундай подшо, аскар, аҳли вазифа ва фуқаро манфаати учун ҳаракат қилмоғи зарур эди. Шунда давлати олий узоқ муддат давом этади. Акс ҳолда бу ишнинг уддасидан чиқмаса, манфаатидан зарари кўп тегса, бепарво бўлса, кундалик ва вилоят ислоҳини билмаса мансабидан олинган”.

Шаҳар жамоат тартибини сақлаш миршабларга топширилган. Бухоро шаҳри миршаббошисига бир вақтнинг ўзида амирликдаги бошқа барча шаҳарлар миршаблари ҳам бўйсунишган. Муҳаммад Али Балжувоний “Сиёсий ҳукуматга тегишли ишлар Мир расас яъни миршаб қўлида бўлиб у шаҳар муҳофазасига маъмур ҳисобланган. Давлатнинг маҳбуслари унинг ихтиёрида бўлган. Амирнинг шиғовуллари, ҳудайчилари (удайчилар) ўз ихтиёрлари билан бирор ишни қилмаганлар, фақат амир буйруғига бўйсунганлар” деб ёзган эди. Унинг ёзишича Бухоро шаҳри ички даҳага, даҳаларнинг ҳар бири эса олти жарибга бўлинган. Ҳар бир даҳани даҳабоши бошқарган. Жарибни эса бобо бошқарган бўлиб. Унинг маҳкамаси бобохона дейилган. Унинг ихтиёрида фақат тунда ишлайдиган махсус қўриқчилар бўлиб, улар шабгардлар деб аталган. **Шабгардлар** (тунда кезувчи) – форс-

тожик тилидан олинган бўлиб, “шаб”-кечкурун, тун ва “гард”-кезмок, кезувчи маъноларини англатади.

Шабгардлар кечаси шаҳарни кезиб юриб барча шубҳали шахсларни аниқлаганлар, шунингдек ҳеч бир эҳтиёжсиз кечаси шаҳар кўчаларида юрган шахсларни ушлаганлар. Уларнинг ижтимоий аҳволи, унвони ва келиб чиқишидан қатъий назар, шаҳардаги ҳаммом ва ўчоқларни жўнатилган ва эрталаб ўз уйларига қўйиб юборилган. Умуман Бухоро шаҳрида одамлар ҳаракати ҳуфтон намозидан сўнг, яъни қоронғи тушгандан сўнг озгина вақт ўтгач тўхтаган. Айнан шу пайтда шаҳарнинг барча ўн бир дарвозаси кулфланган. Ҳар бир дарвозага икки қўриқчи – **дарвозабон** қўйилган.

Шаҳар миршаббошиси кечаси шаҳарни айланиб юриб ўз одамларидан шаҳарнинг қайси мавзеси ва қайси уйда базм ва ман этилган ўйинлар ўйналаётганлиги тўғрисида маълумотлар олиб, ушбу маълумотлар асосида ўз хизматчилари билан бориб гуноҳкорларни ушлаб, уларга жарима солиб жазолаганлар. Жарима тўлашга қурби етмаганлар қамоққа ташланган.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, шаҳарда ҳатто, тўй ва рухсат берилган базмлар ҳам белгиланган вақтда тугаши шарт бўлган ва айрим сабаблар билан ушланиб қолган тўй ёки базм иштирокчилари шу хонадонда тонггача қолишга мажбур бўлганлар.

**Бухоро шаҳар ҳокими** – амирнинг биринчи вазири ва бошқа вилоят бошлиқлари бошқарувчиси ҳисобланган. Шаҳар миршаблари бошлиғи эса ўз навбатида барча бекликларидаги миршаблар ишини бошқарган. Пойтахт олий қозиси, яъни қозикалон – амирликнинг барча қозилари бошлиғи ҳисобланган. Мана шу асосда амирликда жуда катта марказлашув вужудга келган. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўша даврда Қушбеги, Қозикалон, Бош раис ва Бухоро шаҳар миршаббошисини биргаликда “чор ҳоким” – яъни “тўрт ҳоким” деб юритишган.

Бухоро амирлиги давлат бошқаруви тизимида ўзига хос ўринни “раис” эгалларди. Ушбу амал ярим диний, ярим тартиботчи усулда эди. Пойтахтда Бош раис, вилоятларда (беклик) эса маҳаллий раислар фаолият кўрсатишган.

Раиснинг мажбуриятига энг аввало, аҳолининг юриш-туриши ва ҳулқини назорат қилиш кирган. Бош раис одатда Эшон раис ёки раис – уш-шариат деб аталган. Бош раисга барча маҳаллий раислар бўйсунган. Бош раис уларни амир олдида текширувдан ўтказиб турган.

XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро Амирлигидаги давлат бошқарув тизимидаги ўзига хос хусусиятларни, ҳарбий-маъмурий ва диний амалдорларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва бурчларини ўрганиш асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, ушбу даврда Бухоро Амирлигида Амир Темур ва темурийлар ҳамда шайбонийлар ва аштархонийлар сулолалари ҳукмронлиги даврида қарор топган давлат бошқаруви тизими ва тартиблар деярли ўзгаришсиз сақланиб қолинган.

Бухоро Амирлиги давлат тизимини, бошқарув тартибларини ўрганиш ўзбек миллий давлатчилиги тарихини тўлароқ ёритишга катта ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

Миллий давлатчилигимизнинг шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини ўрганиш ва унинг ижобий тажрибаларини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича Президентимиз И.А.Каримов томонидан олдимизга юксак ва асосий масъулиятли вазифа этиб, “миллий давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир”<sup>28</sup> деб таъкидланган эди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик жамияти қуриш сари ўзининг куч қудратига, жаҳон цивилизациясига бетакрор ҳисса қўшган улкан маънавий, тарихий, маданий меросига ва манбаларга эга бўлган, ўз ўрнида ҳозирги кунда юксак ислохотлар амалга оширилиб турган бир пайтда унинг давлатчилик масалаларини чуқур таҳлил этиш долзарб вазифаларимиздан бирига айланиб қолмоқда.

Туркий манғитлардан бўлган Бухоро амири Амир Шохмурод ўзининг давлат бошқаруви жараёнида турли соҳада ислохотлар ўтказди. Масалан, ер, маъмурий, солиқ ислоҳоти кабилар. Бу ислохотлар ичида, айниқса, суд

---

<sup>28</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўси. – Т. 1997. – 125 бет.

ислоҳоти диққатга сазовордир. Унга кўра ҳар бир мусулмон, ҳатто қул ҳам қозига ўз шикояти билан келишга ва ғайриқонуний иш қилаётган ўз хўжайинини жавобгарликка тортишга ҳақлидир.

Амир Шохмурод Бухоро Амирлиги давлатчилиги тарихида ўз ўрнига алоҳида эга бўлган ҳукмдорлардан саналади. У туркий манғитлар сулоласи ҳукмдорлари ичида биринчи бўлиб суд – ҳуқуқий ислоҳотларини амалга оширди. Давлатчилик тарихида “Амири маъсум” (“Бегуноҳ амир”) номи билан қолган Амир Шохмуроднинг ҳукмронлик йиллари (1785 – 1800) Бухорода марказий ҳокимиятнинг нисбатан мустаҳкамланиши даври бўлди.

Амир Шохмурод томонидан ўтказилган суд – ҳуқуқий ислоҳотлари мамлакатда суд ишларидаги ноҳақликларга чек қўйилишига, судларда ишларнинг эркин олиб борилишига ҳамда қозилар томонидан одиллик, адолат ва инсонпарварлик руҳида суд жараёнларини амалга оширишга имкон яратиб берди. Асосий суд идораси қозилик маҳкамалари ҳисобланиб, қозикалон бутун мамлакатнинг бош қозиси (судьяси) эди. Фуқаролик ва жиноий ишларнинг барчасини қозилар кўриб чиққан. Суд ишларини юритиш тартиби оддий кўринишга эга эди.<sup>29</sup>

Қозига оғзаки ва ёзма равишда ариза билан мурожаат этиш мумкин эди. Келтирилган мурожаат, ариза ёки шикоятномаларга асосланган ҳолда қозининг ҳузурига айбдор ёки айбдорлар ишни бошлаш учун келтирилар эди. Қозилар томонидан олиб бориладиган суд жараёнида айбдорни айблаш ёки унинг айбини исботлаш учун шариат қонун – қоидаларига риоя қиладиган, ростгўй, ҳалол кишиларнинг гувоҳлиги етарли асосга эга эди. Гувоҳлар эса камида икки кишидан иборат бўлмоғи лозим эди.

Суд жараёнида қозилар айбдорларнинг моддий аҳволи, аввало айбнинг даражасига қараб, сўнгра айбдорнинг қилмиш учун чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, зарарни ихтиёрий равишда қоплаши, жабр кўрган шахсдан узр сўраши каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда жазо тайинлаган.

---

<sup>29</sup> А.Сагдуллаев ва б. “Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти” – Т, “Академия” 2000й. 202 бет.

Амир Шоҳмурод томонидан ўтказилган суд – ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим жиҳати шундаки, бу даврга келиб қозининг ҳукмидан норози бўлган тараф қозикалонга ёки амирга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Қозикалонга ёки амир номига ёзилган шикоятнома ўрганиб чиқилиб, қозининг ҳукмини асосли равишда қозикалон бекор қилиши ҳамда қозикалон қарорини фақат амир бекор қилиши мумкин эди.

Амир Шоҳмурод томонидан ўтказилган суд – ҳуқуқий ислоҳотлари ўша вақтда нафақат Бухоро Амирлигида, балки бошқа хонликларда ҳам суд ва судловни ижобийлаштириш учун улкан қадам эди. Ўз навбатида Амир Шоҳмурод суд идораларининг қайта тузилиши, ташкил топиши ва қуйи суд идоралари қозиларининг тайинланиши каби янгиликларни амалга оширган эди.

Ўша даврда суд идораларини ислоҳ қилиш мақсадида Амир Шоҳмуроднинг бевосита ташаббуси билан қирқ аъламдан (қонуншунослардан) иборат таркибда олий суд (қозихона) палатаси тузилди. Ушбу палатанинг аъзолари, яъни қонуншунослар шариат қонун – қоидалари асосида Амир Шоҳмурод томонидан тузилган қоидалар тўплами асосида қуйи суд идоралари қозиларининг ҳукмидан норози бўлиб ёзилган арз ва шикоятномаларни кўриб чиқар эдилар.

Амир Шоҳмурод томонидан ўтказилган суд - ҳуқуқий ислоҳотларининг яна бир муҳим янгилиги, бу олий суд палатасида қирқ аълам (қонуншунослар) иштирокида кўрилаётган арз ёки шикоятномада даъвогарнинг шахсан ўзи иштирок этишининг талаб қилиниши бўлди.

Шундай қилиб, Амир Шоҳмурод даврида Бухоро Амирлигида янги суд тизими: қасаба (каттароқ қишлоқ), туман, вилоят қозилари, Бош қози ва қирқ аълам суди вужудга келиб, энг олий қози амирнинг ўзи эди.<sup>30</sup> Шариат ҳуқуқи асосида Шоҳмурод тузган қоидалар тўплами диққатга сазовордирки, уни излаб топиш ва илмий жамоатчиликка етказиш олимларимиз олдидаги вазифалардан бири бўлиб турибди. Чунки биз Ўзбекистонда ҳукм сурган

---

<sup>30</sup> З.Муеимов. Ўзбекистон давлати ва суеуеи тарихи. Т. “Ўеитувчи” 208 бет.

сулолардан чиққан давлат бошлиқлари қўли билан тузилган қоидалар тўпламларини жуда кам учратамиз. Шу ўринда яна Амир Шохмуроднинг суд ислохотлари, айниқса, катта аҳамиятга молик эканлигини айтиб ўтаемиз.

Марказий Осиё тарихини ўрганган деярли барча тарихчи олимлар Амир Шохмуроднинг давлат бошқаруви соҳасидаги фаолиятига юқори баҳо берадилар. Ҳақиқатдан ҳам Амир Шохмурод томонидан амалга оширилган барча ислохотлар, бугунги кунга келиб тарихий фактлар ҳамда манбаларга асосланган ҳолда олиб борилаётган бир қатор илмий изланишлар натижасида ўзининг исботини топмоқда.

Бугунги кунга келиб эса юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган, деб орқаваротдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучларнинг асоссиз даъволарини пуч эканлигини исботлаш”<sup>31</sup> бугунги кунда яна бир бора айтиб ўтмоқчимизки, миллий давлатчилигимиз масаласини илмий нуқтаи назардан асослаб ва керак бўлса исботлаб бериш муҳим вазифа ҳисобланади.

Давлатчилик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, собиқ шўро даврида ҳам миллий давлатчилигимизни, адолатли ҳукмдорларни ҳамда улар томонидан амалга оширилган кўплаб эзгу ишларни ўша даврда ҳам ўрганиш мумкин эди. Аммо бундай масалалар иккинчи даражали деб ҳисобланар ва ўз ўрнида эътибордан четда қолиб кетаверар эди. Зеро, олим Аҳмад Дониш Амир Шохмуродни халифа Умар билан бир қаторга қўйиб “амирлик гиламинини камбағаллик кийими билан беади, жаҳон боғидан душманлик ва ёмонлик томирини суғуриб ташлади ва адолат ниҳолларини ўтказди”<sup>32</sup>, деб ўша даврда ҳам юксак баҳолаган эди.

Миллий давлатчилигимиз асосларини, унда амалга оширилган ислохотларни, давлат бошқарув идораларининг марказлашув жараёнларини

---

<sup>31</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўси. – Т. 1997. – 125 бет.

<sup>32</sup> А.Дониш. “История мангитской династии”, Душанбе, “Дониш”. 1967. 6 – бет.

янада тарихий фактлар ҳамда манбалар асосида ўрганиш, уни илмий нуқтаи назардан кенг жамоатчиликка етказиш янги тарихий шароитда келажagini кураётган, миллий давлатчилиқни тиклаётган давлат учун ғоятда муҳим жараёндир. Ўз ўрнида ушбу жараён келажакда ўзининг тарихий илдизига таяниб ҳаёт кечирса ажаб эмас.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида ўтмишнинг тарихий тажрибаси, ўзбек халқининг қадимий давлатчилиқ анъаналари бекиёс аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Республикамиз мустақилликка эришгач, уч минг йилдан буён умумжаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлиб келаётган ўзбек давлатчилиғи тарихини ҳар томонлама ва ҳаққоний ёритишни имконияти пайдо бўлди.

Зеро, юртбошимиз айтганларидек, “Миллий давлатчилиғимизнинг шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини ўрганиш ва унинг ижобий тажрибаларини кенг жамоатчиликка етказиш ҳеч қачон ўз долзарблиғини йўқотмайди”<sup>33</sup>

Миллий давлатчилиғимиз тарихини ўрганишга жиддий эътибор берилаётган ҳозирги кунда бугунги давр талаби асосида Бухоро Амирлиғида амалга оширилган ҳуқуқий ислохотларнинг давлатлилик тарихига улкан ҳисса қўшишида ва уни давлат тизимини тадқиқ этишдаги ўрнига доир илмий асарларга эҳтиёж каттадир.

Туркий ўзбеклардан бўлган манғитлар ҳукмронлиғи даврида Бухоро амирлиғининг давлат тизимини, бошқарув тартибларини ўрганиш ўзбек миллий давлатчилиғи тарихини тўлароқ ёритишга катта ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

Бухоро амирлиғи давлатчилиғи тарихини ўрганиш жараёнида давлатнинг ички ва ташқи савдо, маданий, сиёсий ва дипломатик алоқаларини, бизгача етиб келган ҳуқуқий ҳужжатларни, амир номаларини, турли қўлёзмаларни ҳам ўрганиш давлатчилиқ тарихи масалаларига янада чуқур кириб борилганлиғидан далолат берса ажаб эмас. Сир эмаски, бир

---

<sup>33</sup> Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йў» Т. 1997. – 125 бет.

вақтлар Ўрта Осиё, жумладан Бухоро амирлиги давлатчилиқ тарихининг энг муҳим жиҳатларидан бири саналган XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларидаги халқаро дипломатик муносабатларни ёритишда бир ёқламаликка йўл қўйилар, у ўзининг холисона баҳосини олмасди.

XIX аср Бухоро давлатчилиги тарихи мағитларининг навбатдаги ҳукмдори Амир Ҳайдар (1800-1825) подшоҳлиги билан бошланди. У ўз сулоласидан бўлган бошқа тождорларга нисбатан кўп жиҳатлари билан ўзбек миллий давлатчилиги тарихида сезиларли из қолдирган, мағитлар ҳукмронлигини мустаҳкамлаш, ички ва ташқи мухолифларга қаршу курашда қатор муваффақиятларни қўлга киритишга эришган. Бу ҳол, айниқса, унинг ташқи сиёсатида ўз давридаги ғоят мураккаб халқаро муносабатларни тўғри илғаб ола билишида ёрқин намоён бўлди. **Амир Ҳайдар** ҳукмронлигининг дастлабки ўн йили ичида Бухоро давлати олиб борган ташқи сиёсий дипломатик муносабатларнинг айрим қирралари ҳақида ҳаққоний ва янги маълумотлар берувчи сафарномалар бугунги кунда давлатчилиқ тарихи масалаларини янада чуқурроқ тадқиқ этишга имкон туғдиради. 1805 йилда Россия ташқи ишлар вазирлиги бошқармасининг бошлиғи князь Адам Чартерийский кўрсатмасига биноан махсус қарвонда савдогар қиёфасида Оренбургдан Бухорога рус конфидентларидан бири Ҳабибулла Абдулов (бундан олдин ҳам бир неча махфий топшириқ билан бу ерга келиб кетган) юборилади. У бу ерда расман сохта пул ясашда айбланган ва Бухорога қочиб келган рус фуқаролари тептяр-тоторларни Россияга топшириш ҳақида музокаралар юритади, аммо аслида унга юклатилган асосий вазифа Нодиршоҳнинг Бухорода яшаши тахмин этилган неварасини рус императори паноҳига олиб кетиш ва ундан Россиянинг Ўрта Шарқдаги мустамлакачилиқ сиёсатида фойдаланиш бўлган. Айни вақтда унга **“бухороликларнинг Хива ва Эрон билан бўлган муносабатларининг даражаси ҳақида хуфя маълумотлар йиғиш, бу ишларга бошқа Европалик давлат вакиллари аралашаётгани йўқми, деган масалани ҳам аниқлаш”** юклатилган эди. 1809 йилда Россиядан Бухорога махфий суратда яна бир конфидент –

поручик Адилносир Субҳонқулов юборилади. Савдо карвони билан келган бу “вакил” ҳам Бухоронинг ички ва ташқи аҳволи ҳақида, унинг ҳарбий қуввати тўғрисида батафсил материаллар тўплайди ва бу маълумотлар тартибга солиниб, Оренбург губернатори томонидан Петербургга жўнатилади. 1812 йилда Ост-Индия компанияси Пешовардан Афғонистон орқали Бухорога ўз вакили Ҳофиз Муҳаммад Фозилхон исмликимсан элчи сифатида Амир Ҳайдар ҳузурига йўллайди. Ўша йили у Бухорога келиб унинг ҳукмдори қабулида бўлади ва амирга компания раҳбарияти ҳамда Бухорога Кашмир орқали инглизлар юборган асосий элчи – Мир Иззатуллох номидан битилган номаларни топширади. Ҳофиз Фозилхон ўз таассуротларини форс тилида битилган “Бухоро манзиллари тарихи” сафарномасида баён қилган. Худди шу йили яна Ост-Индия компанияси Ҳофиз Фозилхондан кейин Бухорога ўзларининг асосий элчиларини сафарга отлантиради. Бу элчиликка Саид Мир Иззатуллох бошчилик қилади. Улар Кашмирдан ўтиб, шарқий сарҳадлардан Бухоро амирлиги тўғрисида кириб келади. Иззатуллох Бухоро амири билан кўришгач, бу ердан Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларига ҳам сафар қилади. У ҳам Фозилхон сингари барча таассуротларини махсус ҳисобот тарзида яқунлаб, Ост-Индия раҳбарларига топширади. Аммо Саид Мир Иззатуллохнинг сафар эсдаликлари Фозилхоннинг “Бухоро манзиллари тарихи” асаридан фарқли ўлароқ, орадан сал фурсат ўтгач қисқартирилган ҳолда аввал француз, сўнгра тўла равишда инглиз тилларига таржима қилиниб, китоб ҳолида чоп этилади.

Ўтган асрнинг дастлаки ўн йили ичида Бухоро амирлигига келиб кетган ана шу “сайёҳлар”нинг қолдирган сафар таассуротлари мазмуни шуни кўрсатадики, бу ўзбек хонлиги ўша йилларда нафақат Ўрта Шарқ минтақасида, балки жаҳон миқёсида кўтарилган муҳим халқаро муаммолар билан алоқадор бўлган.

Бу даврда Европа қитъасида етакчи давлатларни ўз домига тортган Наполеон урушлари фақатгина бу қитъада устунликни таъминлаш учун олиб борилган курашлардан иборат бўлмасдан, балки жаҳоннинг бошқа қитъалари

кенгликларида жойлашган ўнлаб мамлакат ва халқларни ҳам қўлга киритишни мақсад қилиб қўйганди. XVIII асрнинг Мисрга нисбатан ҳарбий экспедиция уюштирган Наполеон Бонапарт ўша вақтдаёқ Ҳиндистонни инглизлар тасарруфидан тортиб олишни очиқ эълон қилганди. У ўз режасини Эрон ёки Туркистон (Россия билан иттифоқ тузган ҳолда) орқали амалга оширмакчи бўлган. Аммо Россияда қарама-қаршилик пайдо бўлгач, Франция Кавказ масаласида Эрон билан Россия ўртасида ихтилоф чиқаришга муваффақ бўлган. Натижада 1804-1813 йилларга чўзилган рус-эрон уруши бошланиб кетган. Россия Бухорога хуфялар ёўллар экан, даставвал Бухоронинг Хива билан умумий тил топиб кучайишидан, сўнгра уларнинг французлар таъсирида рус-эрон урушида эрон тарафига оғиб кетиш хавфидан ғоят катта ташвишда эди. Инглизлар эса Эронда француз таъсирини сусайтиришга ҳаракат қилиш билан бирга, у томондан Ҳиндистонга нисбатан бўлиши мумкин бўлган Наполеон тажовузининг олдини олишга ҳаракат қилардилар. Аммо 1812 йилдаги Наполеоннинг Россияга ҳужуми Буюк Британия мустамлакачиларини чинакамига саросимага солиб қўйганди. Уларнинг фикрича, Наполеон энди Марказий Осиё орқали Ҳиндистонга ҳужум уюштириш режасига яқинлашган эди. Юқоридаги икки элчиликнинг зудлик билан Амир Ҳайдар ҳузурига жўнатилишининг асосий боиси ҳам ана шунда эди. Уларнинг олдида кўндаланг қўйилган масала : **“Бухоро давлати Наполеон армияси ҳужумини тўхтатиб қолишда қандай роль ўйнаши мумкин?”** – деган саволга жавоб топиш эди<sup>34</sup>. Юқоридаги сафарномаларда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, Амир Ҳайдар ана шу воқеалардан яхши хабардор бўлган. Аммо у ўз ташқи сиёсатида мустамлакачи давлатларнинг қутқуси билан эмас, балки ўз давлати хавфсизлиги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат юритган.

Чоризм босқинидан олдин Ўрта Осиё ҳудудидаги хониклар, хусусан, Бухоро амирлиги Ўрта Осиёдаги энг бой ва қудратли давлатлардан бири

---

<sup>34</sup> Б.С.Маннонов. “XIX аср бошларидаги Бухоронинг халқаро вазиятига оид саёсатномалар” Ўзб.Рес. “Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка” Халқаро Симпозиум тезислари. Т., “Ўзбекистон” 1997й. 51 бет.

хисобланар, унинг давлат қурилиши ҳамда дипломатияси қўшни давлатар сиёсатига юқори даражада таъсир ўтказиб келар эди. Шу боис ҳам Айни кунда бу даврдаги дипломатик муносабатлар, элчилик борди-келдиларига оид нодир қўлёзмаларни тадқиқ этиш – халқимизга ўзининг ҳақиқий ўтмишини қайтариб бериш муҳим вазифаларимиздан биридир. Тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларига кўз юритиш натижасида шунга амин бўлиш мумкин: 1860 йилда Бухоро тахтига **Амир Музаффарнинг** ўтириши билан амирликнинг халқаро алоқалари янги босқичга кўтарилди. Чунки ҳудди шу даврда Россия империясининг Туркистон сарҳадларига тажовуз хавфи янада ортди. Айнан 1860 йилдан бошлаб Қўқон хонлиги тасарруфидаги Оқмачит (ҳозирги Қизил Ўрда), Пишпек (Бишкек), Авлиё ота (Жамбул), Туркистон шаҳарларини бирин-кетин боси олина бошлади. Ана шундан кескин бир вазиятда Амир Музаффархон марказлашган Бухоро давлати ҳамда бутун Туркистон ҳудудини дуўманлардан сақлаб қолиш учун Англия, Франция, Италия ва Туркия султонлиги каби энг қудратли давлатлар билан ўзининг очиқ ва махфий дипломатик алоқаларини ўрнатди. Амирлик ўз элчилари орқали Англиянинг Ҳиндистондаги вакиллари ва Туркия султонлиги, шунингдек, Франция ҳамда Италияга ҳарбиё-сиёсий алоқалари ўрнатиш таклифлари битилган дипломатик **номаларни** жўнатди. Бу ҳақда тарихчи Ҳамид ибн Бақо Хўжанинг ЎзФАнинг Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган **“Танзил ал-амсол фикри-зикри байон ул-аҳвол”** асарида тўла маълумот берилади. Шунингдек, мазкур асар муаллифи амирнинг 1864 йилда Тошкент боси олинган вақтдан ютиб ўз қўшинларини йиғиб олиш, Қўқон хонлиги билан биргаликда Ватан ҳимоясига отланиш мақсадида амалга оширилган дипломатик устамонлиги хусусида шундай ёзади: “Биз ва сизнинг ўртангизда дўстлик юқори даражада бўлганлиги учун ҳеч қачон сизларга нисбатан душманлқини раво кўрмаганмиз ва кўрмаймиз ҳам. Бугун биз томонидан ёзилаётган хат қарорига асосан Сайхун дарёси ички томони бизники, ташқи тарафи сизнинг мулкингиздир...”. “Шунингдек, **Амир Музаффар** икки давлат ўртасида

тижорат борди-келдисини йўлга қўйиш масаласини ҳам кўтарди” дейди муаллиф.<sup>35</sup> Албатта бу ҳаракатлар ортида ҳарбий техник жиҳатдан кучли салоҳиятга эга ғарб давлатлари орасидан ишончли ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий иттифоқчи топиш мақсади ётганини яққол кўриш мумкин. Ушбу ҳаракатлар билан амир Хўжандни ўз ҳимоясига олишга эришади. Маълумки, бунга қадар Бухоро ва Англия ўртасида яхши дипломатик муносабатлар йўлга қўйилган эди. Масалан, икки мамлакат ўртасидаги бир йиллик савдо ҳажми **170 минг фунт стерлинг**ни ташкил этар, бу алоқалар эса ўз навбатида йилдан-йилга ривожланиб борар эди. Шу сабабдан ҳам амир Музаффар иқтисодий-сиёсий ҳамкори – Англиянинг Ҳиндистондаги генерал-губернатори сэр Жон Лоуренсга ҳарбий кўмак сўраб мурожаат этади. Элчи Муҳаммад Порсохўжа орқали Калькуттага келади ва Бухоронинг Англияга содиқлигини билдириб, инглизлардан ҳарбий кўмак – қурол-яроғ, тўплар, молиявий ёрдам ва имкони бўлса қўшин сўрайди. Генерал-губернатор эса аниқ жавоб бермай, элчини ортига қайтариб юборади. Шу ўринда Муҳаммад Порсохўжа тўғрисида тўхталсак. Бухорода қозикалон (бош судья) лавозимида хизмат қилган Иноятулло Хожанинг ўғли бўлиб, унга амир Музаффар даврида “Муфтий аскария” унвони берилган. Қонуншунослик, тиб ва бошқа илмлар бўйича катта салоҳиятга эга бўлган элчи бадиятда ҳам ўз ўрнига эга бўлган, анча пишиқ шеърлар ёзган.

Шундан сўнг амир Яҳёхўжа Туркия султонлигига элчи сифатида сафат қилади. “1285 йил ҳижрийда руслар Тошкентга ҳужум қилди. Амир Рум халифасига Амир Яҳёхўжани дипломатик хат билан жўнатди. Номани қози Абдул Аҳад Садр кўчириб ёзди. Шу қадар ёздики амир умид қилди. Элчи халифа орқали амир хатини Франция ва италия давлатларига ҳам юборди” дейди бу ҳақда тарихчи Муҳаммад ибн Бақо Хўжа. Афсуски, Туркия султонлиги ёрдам беролмаслигини билдирди, Франция ва Италия эса ўзаро сиёсий низолар туфайли амир номасини жавобсиз қолдирдилар.

---

<sup>35</sup> М.Содиёв. “Амир номалари”, Ишонч, 2001 йил 28 ноябрь.

Бухоро амирлигининг Туркия султонлиги ҳамда ғарб давлатлари билан дипломатик муносабатларининг натижасиз тугашига сабаб XIX асрнинг 60-йилларидан Европада сиёсий аҳволнинг ўзгариши эди. Зеро, 1863 йилги Польшадаги ғалаёнлар ва бу давлатга Россия таъсир кучининг кучайиши, Англия ва Франция ўртасидаги сиёсий келишмовчиликлар, энг асосийси, Германия ерларининг Пруссия давлати қошида бирлашуви бутун Европа ҳукмрон доираларини ўз муаммолари билан машғул бўлишга ундарди.

**Амир Абдул Аҳад** (1885-1910) ҳукмронлик йилларида ҳам ташқи дипломатик, савдо-сотиқ алоқалри ҳам анча ривожлантирилган эди. Айниқса, ушбу даврда Россия давлати билан дипломатик алоқаларнинг бу даврда кўпроқ амалга оширилганининг гувоҳи бўлишимиз табиий ҳол. Бухоро ҳукмдори петербургга қилган сафарлари ҳисоботи сифатида “Рўзномаи сафари Фитирбурх” номли икки меъмуар асар ёзди. Биринчи асар, яъни “Рўзномаи сафари Фитирбурх” тўғрисида қисқача тўхталадиган бўлсак, асар Бухоро амири Абдул Аҳад тилидан ёзилган ва унинг 1892-93 йилларда Петербургга қилган сафари кундалиги ҳисобланади. Уни Россия – Бухоро муносабатлари тарихига оид манба сифатида баҳолаш мумкин. Иккинчи асар “Рўзномаи сафари чаҳорум ... ба Фитирбурх” деб номланиб, амир Абдул Аҳаднинг 1906 йилда Петербургга қилган сафари тафсилотларини ўз ичига олади. Асар амир Абдул Аҳад тилида ёзилган. Асарнинг ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзма нусхаси рангли рус фабрикаси қоғозига, настаълиқ хатида, хаттот Қори Фатхуллоҳ чапдаст томонидан ҳижрий 1327(милодий 1909) йилда кўчирилган. Қўлёзма охирида амир Абдул Аҳаднинг “**Ожиз**” таҳаллуси билан битилган:

“Соқий биёр бода ки айёми навбаҳор” мисралари билан бошланиб,

Ожиз зе ҳоли хуяш шикоят чи мекуни,

Ҳомуши беҳтар аст, туро нест ихтиёр”

Сатрлари билан тугайдиган 12 байтдан иборат шеъри келтирилган.<sup>36</sup>

---

<sup>36</sup> S.Тўраев. “Амир Абдул Асад “Сафарнома”сининг қўлёзма нусхалари”. “Навсирон Бухоро” № 8-9, 1992й. 7 бет.

Асарда қайд этилишича Петербург сафари ҳижрий 1324 йилнинг рамазон ойида бошланган. Яъни 1906 йилнинг 10 ноябридан 22 декабригача давом этган. Кармана станциясидан жўнаган вагон Тошкент, Оренбург, Самара, Москва орқали 1906 йилнинг 20 ноябрида Петербургга етиб келади. Амир Абдул Аҳад бошчилигидаги делегация бир неча марта рус императори қабулида бўлади. Асарда кўрсатилишича, Бухоро ҳукмдори совға сифатида рус императорига 16 та жиҳозланган от олиб борган. Ўз навбатида рус императори ҳам Бухоро амири ва делегация аъзоларига қимматбаҳо рус орден ва медалларини тақдим этади. Масалан, бриллиантлар билан безатилган олий Андрей первозванный ордени, I-II даражали Станислав ордени, 2 даражали Анна ордени, кумуш медаллар ва ҳоказолар. Қуйида номлари тилган олинадиган Бухоро амирлиги делегацияси аъзолари ҳақидаги маълумотлар аҳамиятга моликдир: **Тўражон** (Саййид Мир Олим), **Исфандиёр** тилмоч, **Мирзо Насруллобий** парвоначи (бўлажак Бухоро кушбегиси), **Хўжақулбий** додхоҳ, **Муҳаммад Юнусбий**, **Аҳмад Хўжа** ўроқ, **Мирза Муҳаммад Амин** ва бошқалар. Булар орасида 1918 йил март воқеалари даврида қатл этилган тилмоч **Хўжа Зикриё** ҳам бор эди.

Шунингдек асарда ўша даврда Россия маъмурий бошқарув аппаратида катта лавозимларни эгаллаб турган амалдорлар ҳам тилган олинади: ҳарбий министр генерал-лейтенант **Поливанов**, Бош штаб бошлиғи генерал-лейтенант **Эверт**, адмирал **Дубасов**, Министрлар Совети раиси **Столипин** ва ҳ.к. Асардаги қуйидаги маълумотлар киши диққатини тортади. 1906 йилнинг 5 декабрь куни амир Абдул Аҳад бошчилигидаги Бухоро амирлиги делегацияси рус императори қабулида бўлиб, унга бундан 23 йил муқаддам Бухоро амири Музаффархон рус императори Александр III нинг тахтга чиқиш маросимига қатнашиши учун Петербургга таклиф этилганлигини хабар берадилар. Бу марҳум рус императорининг хотирасини ҳурмат қилишларини эътироф этадилар. Асарда баён этилишича, шунда Петербургда яшаётган мусулмонлар бу ерда масжид қуришга қарор қиладилар, лекин бу иш ҳозиргача амалга оширилмай келди. Масжид қуриш масаласи бу

учрашувда яна қайтадан кўтарилади. Бухоро амири Абдул Аҳад, агар рус императори рухсат берса, Петербург шаҳрида ер сотиб олиб, уни шу ерда яшаётган мусулмонларга масжид қуриш учун ҳадя қилажагини таъкидлайди. Бу илтимоснома рус императори томонидан қабул қилинади.

## **МУНДАРИЖА**

**Сўз**

**боши.....**  
**.....3**

**Бухоро амирлиги ташкил топишининг**

**тарихий**

**омиллари.....**  
**.....5**

**Бухоро амирлиги ташкил топишининг сиёсий – ҳуқуқий асослари ва**

**манғит                    ҳукмронларининг                    ҳуқуқий                    ислохотлари**

**.....**  
**.....21**

**Бухоро амирлигида давлат бошқаруви, суд ва судлов ҳамда ташқи**

**дипломатия**

**муносабатлари.....51**













